

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА ЗУХРО АКМАЛЖОНОВА

**ОЛАМ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КОГНИТИВ ЎЗИГА ХОСЛИК**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Акбарова Зухро Акмалжоновна

Олам лисоний манзарасининг шаклланишида когнитив ўзига
хослик 5

Akbarova Zukhro Akmaljonovna

Cognitive uniqueness in the formation of a linguistic picture of the
world..... 37

Акбарова Зухро Акмалжоновна

Когнитивное своеобразие в формировании языковой картины
мира..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 70

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВА ЗУХРО АКМАЛЖОНОВА

**ОЛАМ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КОГНИТИВ ЎЗИГА ХОСЛИК**

10.00.11. – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.4.DSc/Fil274 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда "Ziynet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи :

Шаҳобиддинова Шехида Ҳошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Раунова Лайло Раҳимовна
филология фанлари доктори, профессор

Маджидова Раъно Уришевна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «6» июль куни соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (125 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (73) 244-44-02, e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «22» июль даги 31 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида инсоннинг оламни идрок этиши, билиши ва уни тавсифлаши жараёнида тил ва тафаккур муносабатларига лингвокогнитив ёндашув асосида борликни ўзлаштириши, у ҳақдаги тасаввурларини муайян тил имкониятлари воситасида ифодалаши, ҳар бир тил ташувчисига хос олам лисоний манзарасининг этномаданий хусусиятлари, шунингдек, маънавий олами, руҳияти ва табиатига боғлиқ ҳолда намоён бўлиши билан боғлиқ муаммолар муҳим масалалардан бирига айланди. Бу эса психолингвистика, гендер лингвистикаси, когнитив ва прагматик лингвистика каби йўналишларда олиб бориладиган тадқиқотлар кўламини аниқлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон тилшунослигидаги тилга лингвомаданий ва психолингвистик ёндашув, бунда сўзловчининг олам лисоний манзараси (ОЛМ)ни ўзига хос талқин этиши муаммолари ОЛМ шаклланишидаги когнитив ўзига хосликни белгилашда назарий жиҳатдан асос бўлади. Зеро, лисоний онг, концепт ва унинг типлари, олам манзараси, унинг асосий тушунча ва категориялари, макон ва замон ҳодисалари, турли функционал услублардаги матнларда эса тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш, дунёнинг маълум ва номаълум қисми билан алоқа қилишда инсон тушунчасини деформация қилиш орқали муаммонинг назарий жиҳатларини асослаш мумкин.

Кейинги йилларда тил тизимида антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ёндашилиб, ўзбек тилига хос концепт ва концептосфералар доирасида олиб борилган тадқиқотларда тилимизнинг миллий табиати атрофлича таҳлил қилинди. Бу борада тилга тизим сифатида ёндашиш, уни когнитив-прагматик, социопрагматик, социолингвистик, лингвомаданий, лингвопрагматик, психолингвистик йўналишдаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Шу боис ўзбек тилидаги манбалар асосида оламнинг лисоний манзараси, лисоний онг ва тафаккур доирасида оламнинг бадий тасвири, концепт ва унинг таркиби, тилга оламни моделлаштириш омили сифатида қараш, олам манзарасида замон ва макон категориялари, ўзбек тилида сўзлашувчилар онгида акс этган олам манзараси, яратувчи сифатида инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англаши кабиларни ўзаро алоқадорликда, узвийликда атрофлича тадқиқ этиш, миллий-маданий юксалиш учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Олам лисоний манзарасининг шаклланиш жараёни, бу жараёнда инсоннинг ўрнини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар дунё тилшунослигида Cambridge University, University of Oxford, Edinburgh University, London Metropolitan University (Буюк Британия), Harvard Universityларда, New York University, Chicago University, Amerikan Academy of Art and Sciences (АҚШ), Toronto University (Канада), Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Марибора университети (Словения), University of Humboldt (Германия), The French National Research Agency (Франция) М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), Татаристон Казань федераль университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Фарғона давлат университети, Андижон давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Диссертация мавзуси йўналишида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: олам лисоний манзарасининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган (Россия, АҚШ); ОЛМ тадқиқига когнитивлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, инсон томонидан оламни ва ўз-ўзини англаб этиш масаласи аниқланган

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com.; americanenglish.state.gov; micros.uz; www.uv.es; www.zora.uzh.ch; cleee@snu.ac.kr; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.ras.ru; adwww.ecu.edu.au; unice.fr/en; www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities; www.kaznu.kz; [Содержание понятия языковая картина мира в лингвистике - КОАПИЯ статьи - Каталог статей - КОАПИЯ](#). coaripa.do.am. Мурожаат санаси: 30.04. 2020. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Нидерландия ва АҚШ); олам ва инсон муносабатларида тил ташувчиси ва лисоний шахс тушунчаларининг ўзи хослиги очиб берилган (Россия, Германия); олам лисоний манзарасида турли тил сатҳ бирликларининг ўрни, оламни моделлаштиришда тилнинг аҳамияти миллий-маданий воситалар асосида аниқланган (МДХ).

Дунё тилшунослигида олам лисоний манзараси ва лисоний онг, ҳар бир халқнинг олам тарҳи (моделли) ўзига хос эканлигини очиб бериш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: олам лисоний манзарасининг ўзига хос хусусиятлари ёритиш, ОЛМ тадқиқига когнитивлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, инсон томонидан оламни ва ўз-ўзини англаб етиш масаласини аниқлаш, олам ва инсон муносабатларида тил ташувчиси ва лисоний шахс тушунчаларининг ўзига хослигини очиб бериш, олам лисоний манзарасида турли тил сатҳ бирликларининг ўрни, оламни моделлаштиришда тилнинг аҳамияти миллий-маданий воситалар асосида аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замоनावий тилшуносликнинг тилда инсон омилини ўрганишга қаратилган тадқиқ усуллари когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, ассоциатив тилшунослик доирасидаги тадқиқотларда намоён бўлмоқда. Хориж тилшунослигида бу йўналишларда изланишлар олиб борган Н.Хомский, Ч.Осгуд, Ж.Лакофф, И.Гальперин, Н.Караулов, Н.Жинкин, Ю.Степанов, А.Леонтьев, А.Вежбицкая, Е.Кубрякова, В.Демьянков, В.Маслова, В.Белянинларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор.

Ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, Э.Бегматов, А.Маматов, М.Ҳақимов, С.Мўминов, Д.Худайберганава, Д.Лутфуллаева, Ш.Усмонова, С.Боймирзаева, А.Раҳимов, И.Азимова, Н.Ҳошимова ва бошқаларнинг тадқиқотларида тил тизими антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида тадқиқ этилган³. Кейинги йилларда ОЛМ ва ўзбек тилига хос концепт ва концептосфералар хусусида олиб борилган тадқиқотлар орасида Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров, А.Нурмонов, А.Абдуазизов, А.Маматов, А.Собиров, Ж.Элтазаров, Ш.Шаҳобиддинова, Д.Худайберганава, М.Эргашева, Т.Ш.Махмараимова сингари олимларнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Ж.Элтазаровнинг фикрича, ҳар бир конкрет табиий-ижтимоий ва лисоний вазиятда инсон дунёни ўз сезги органлари орқали қабул қилиши ва англаши унинг олам ҳақида тасаввурлар тизимини шакллантиради, дунёдаги моддий ва номоддий нарсалар инсон онгига

³ Худайберганава Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол.фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2015. – Б. 6; Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-ж. – Тошкент: Академнашр, 2012; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б.; Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2001. – 283 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Азимова И. А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.; Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №6. – Б.104-107; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: ЎзРФА ТАИ, 2010. – 320 б.

абстракциялаш усуллари ёрдамида чекланган мотивацион белгилар тизими сифатида экспликация қилинади⁴.

Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси” мақоласида кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида барча хусусий фанлар томонидан ишлаб чиқилган олам ҳақидаги билимларнинг жами “оламнинг лисоний манзараси” номи эканлиги кўрсатиб ўтилади⁵. Шунингдек, Д.Бахронова оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера масаласини ўрганган, М.В.Эргашева оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлинишини тадқиқ қилган⁶, З.Байназаров “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси” мавзусидаги тадқиқот ишида ОЛМда ифодаланган оламнинг миллий лингвокогнитив тасвиридаги фарқли ва ўхшаш тарафлар очиб берилган; миллий тил лексиконидаги янги шакл ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши, лексик таркибда юз берган семантик-мавзуй ўзгаришлар; луғат таркибида “чукур” ва “юзак” услубий дифференциацияга кўра юз берган ўзгаришлар, ДЛТ ва ЎТИЛда ифодаланган концептларнинг семантик структурасидаги фарқли тарафлар очиб берилган⁷.

У.Йигиталиев эса ўзбек тилида “одам” ва “жинс” концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликларни тадқиқ қилган.⁸ Н.Жалилова “Бадий матндаги қон-қариндошлик терминларининг типологик ва структурал-семантик тавсифи” билан боғлиқ тадқиқотида олам лисоний манзарасининг лингвомайдондаги мавқеи асосланган.⁹

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида бўлгани каби ўзбек тилшунослигида ҳам прагмалингвистика, социоллингвистика, когнитив тилшунослик каби бир қатор замонавий соҳалар ривожлана бошлади. Лисоний ҳодисалар, матн ва унинг таъсири, нутқий актлар, адресант ва адресат, нутқий вазият каби тушунчаларнинг мазмун моҳияти унинг мулоқот маданиятига таъсири жаҳон ва ўзбек тилшунослари томонидан турли контекстда, асосан, бадий асарлар мисолида ўрганилган¹⁰, лисоний

4 Элтазаров Ж.Д. Сўз туркуми парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б.101-104.

5 Маҳмудов Н.Тилнинг сўз хазинаси ва оламнинг лисоний манзараси // Сўз санъати, № 1 (2018). – Б.18-27.

6 Эргашева М.В. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши // Молодой ученый. – 2016. – № 3.1 (107.1). – С. 59-62; Бахронова Д. Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера // Хорижий филология, №3, 2019. – Б.62-67.

7 Байназаров З. “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк”асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси”: Филол. фан. бўйича фалсафа. докт. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2020. – 24 б.

8 Йигиталиев У. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2020. – 21 б.

9 Жалилова Н. Бадий матндаги қон-қариндошлик терминларининг типологик ва структурал-семантик тавсифи: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2019. – 23 б.

¹⁰Ахманова О.С., Магидова И.Н. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания. – М., 1978. – №3. – С. 43-48; Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008; Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. Вып. XVII. – Москва, 1986. – С. 170-190; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.71; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 94; Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.

ходисалар лингвостилистик¹¹, социолингвистик¹² нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ қилинган. Аммо ўзбек тилида лисоний онг, концептлар, замон ва макон тушунчалари, инсонни тушуниш, инсон ўзини ўзи англаши оламнинг лисоний манзараси марказида когнитив, психоллингвистик таҳлил қилинмаган, унда турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш, дунёнинг маълум ва номаълум қисми билан алоқа қилишда инсон тушунчасини деформация қилиш илмий текшириб кўрилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Антропоцентриқ тилшунослик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оламнинг лисоний манзараси, лисоний онг, оламнинг бадий тасвири, лисоний онгнинг психоллингвистик аспекти, концепт тушунчаси ва оламни тил воситасида моделлаштиришнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда узвийлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсад билан боғлиқ равишда кўйидаги вазифалар белгиланди:

жаҳон ва ўзбек тилшунослигида оламнинг лисоний манзараси тадқиқига доир ишларни тавсифлаш ва таснифлаш;

лисоний онг тушунчасига когнитив-прагматик ва психоллингвистик нуқтаи назардан муносабат билдириш;

дунёнинг бадий тасвири ва лисоний онг масаласига муносабат билдириш;

концепт ва тушунчанинг ўзаро алоқадор ҳамда фарқли жиҳатларини шарҳлаш, концептнинг тузилишини миллий матнлар асосида ифодалаш;

олам манзараси, асосий тушунча ва тамойиллар, макон ва замон тушунчаларини когнитив тилшуносликка боғлаб ўрганиш;

оламни моделлаштириш асосларини ўрганиш, турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш;

ўзбек тилида сўзлашадиган олам манзараси, инсоннинг инсон томонидан қабул қилиниши, инсоннинг ўзини ўзи англаши, инсон ва унинг

¹¹ Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг тили ва стили: Филол. фан. докт. ... дисс. –Т., 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1969; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. –Т., 1970; Кўчкортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 1975. Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшина: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1982; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 2000; Кўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор адабий-танқидий публицистикасининг мавзувий таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 2. – Б.52-55.

¹² Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 2000.

атрофидаги дунё ўртасидаги “чегара” кабиларни ўрганиш, уларга муносабат билдириш ва асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дунё тилларида оламнинг лисоний манзараси шаклланишида инсоннинг когнитив фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини олам лисоний манзарасининг прагматик ва психолингвистик жиҳатлари, лисоний онг, концепт ва унинг бошқа асосий тушунча ҳамда категориялари, тилшуносликда оламни моделлаштириш асослари, замон ва макон тушунчалари когницияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, контекстуал, дистрибутив, структурал ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили мисолида тил ташувчисининг борлиққа, жамиятга, инсонга муносабатини ифодаловчи билиш, баҳолаш, ифодалаш каби когнитив-ментал хусусиятлари аниқланган;

лисоний онг тушунчасининг прагматик ва психолингвистик талқинда оламни идрок этиш, англаш жараёнини ифодаловчи когнитив категория эканлиги дунёнинг бадиий тасвири, миллий-ментал жиҳатлар, концептнинг макон ва замон каби турлари асосида очиб берилган;

олам лисоний манзарасида намоён бўлувчи лисоний шахснинг лисоний онгидаги когнитив жараёнлар инсоннинг инсон томонидан қабул қилиниши, ўзини ўзи теранроқ англашига олиб келиши асосланган;

ўзбек тили соҳиблари тафаккуридаги ОЛМ акс этган бадиий матнларда метафоралар олам лисоний манзарасининг асосий когнитив-прагматик тасвир воситаси эканлиги, инсоннинг фикрлаш тарзи лисоний моделлаштириш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги очиб берилган;

тил ташувчисининг коммуникатив компетенцияси даражасига кўра: кучли, ўртача ва кучсиз тил ташувчисининг интроверт, амбиверт, экстраверт турлари белгиланиб, уларга хос интеллектуал ривожланиш, маънавий-амалий фаолият тажрибаси каби ижтимоий, экстраверсион ва интроверсион когнитив-психологик ҳамда фонетик, лексик, синтактик лингвистик омиллар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

когнитив-прагматик ва психолингвистик нуқтаи назардан лисоний онг, концепт ва тушунчанинг ўзаро алоқадор ҳамда фарқли жиҳатлари шарҳланган, концепт тузилиши миллий матнлар асосида далилланган;

олам манзараси ва унинг асосий тушунча ҳамда тамойиллари, макон ва замон категорияси когнитив тадқиқи амалга оширилиб, турли функционал услублардаги матнлар орқали оламни моделлаштириш асослари ҳамда парадигмаси яратилган;

ўзбек тилида сўзлашадиган олам манзараси, инсоннинг инсон томонидан қабул қилиниши, ўзини ўзи англаши ва қуршовчи дунё ўртасидаги “чегара” аниқланган;

филология факультетлари юқори босқич талабалари ва магистрантларига назарий тилшунослик, когнитив лингвистика, прагматик

лингвистика бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларни беришда илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг устувор илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалардан оламнинг лисоний манзарасида когнитив жараён аксини ўрганиш, турли миллий тилларнинг маданий-маиший мазмунини таҳлил қилиш, “концепт” ва “тушунча” атамалари талқини, лисоний онг ва тил ташувчиси каби масалалар психоллингвистика, когнитология, прагмалингвистиканинг ривожига муайян даражада ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулосалар ва тадқиқот материалларидан олий таълим муассасаларининг филология факультетларида ҳозирги ўзбек адабий тили, матн таҳлили, назарий тилшунослик масалалари, лингвокультурология, психоллингвистика, социоллингвистика, прагмалингвистика фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, маъруза, амалий ҳамда семинар машғулотлари, махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олам лисоний манзарасининг шаклланишида когнитив ўзига хосликни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

лисоний онг тушунчасининг прагматик ва психоллингвистик талқинда оламни идрок этиш ва англаш жараёнини ифодаловчи когнитив категория эканлиги дунёнинг бадиий тасвири, концептнинг макон ва замон каби турларига оид назарий қарашлар, амалий тавсиялар ва илмий хулосалардан ОТ-Ф 1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-859-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган “Баркамол авлодни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услугий кўрсатманинг илмийлиги таъминланган ҳамда мазмуни такомиллашган;

тил ташувчисининг коммуникатив компетенцияси даражасига кўра кучли, ўрта ва заиф жиҳатлари ва уларга хос ижтимоий, когнитив-психологик, лингвистик омилларга оид хулосалардан 2018-2020-йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-20170930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-859-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида тайёрланган “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг такомиллашган механизми” номли монографиянинг илмий аппарати бойитилган;

Ўзбек тили мисолида тил ташувчисининг борлиққа, жамиятга, инсонга муносабатини ифодаловчи когнитив-ментал хусусиятларига оид назарий қарашлари, амалий тавсиялари ва илмий хулосаларидан 574097-EPP-1-2016-1-CY-ерпка2-SBHE-JP RUECVET: “Пилотирование профессионального образование и обучение России и Узбекистана” номли Евроиттифоқ проекти асосидаги Эрасмус+фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-859-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш курслари самарадорлиги ошган, мавжуд дастурлар ва қўлланмаларнинг такомиллашувига эришилган;

Ўзбек тили соҳиблари тафаккуридаги ОЛМ акс этган бадиий матнларда метафоралар олам лисоний манзарасининг асосий когнитив-прагматик тасвир воситаси эканлигига оид тавсияларидан А-І-97 рақамли “Инглиз, немис ва ўзбек тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-859-сон маълумотномаси). Натижада лингвокультурология, лингвистик матн таҳлили, маданиятлараро алоқа каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнлари, шунингдек, электрон манбалар, назарий ва амалий материаллар сифати сезиларли даражада яхшиланган;

олам лисоний манзарасида намоён бўлувчи лисоний шахс, ОЛМда инсоннинг инсон томонидан қабул қилиниши, ўзини ўзи теранроқ англашига олиб келишига оид хулосалардан 2018-2020 йилларга мўлжалланган “ПЗ-20170926286. Ўзбек суд амалий лингвистикаси тадқиқи” давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 февралдаги 89-03-859-сон маълумотномаси). Натижада оламни англаш ва уни нутқда акс эттиришнинг ижтимоий, психологик жиҳатларини ўрганишда, тил ташувчиларининг фикрлаш тарзи ҳамда тилга онгли равишда ёндашувидаги уникал жиҳатлари аниқланган;

оламнинг ўзбек тилидаги лингвистик тасвирлари орқали борлиқ, яратилиш, ҳаётий мақсад, эътиқод, урф-одат ҳақидаги тасаввурларнинг бошқа тушунчаларга, оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилувчи лисоний моделлар асосини ташкил қилувчи таянч бирликларга бевосита таъсир қилишига оид тавсиялар М.Х.Ҳақимов, М.М.Ғазиеваларнинг “Прагмалингвистика асослари” номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада мазкур дарсликнинг “Тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентриқ илмий парадигмалари”, “Прагматиканинг семиотик

илдизлари” мавзуларида ва “Тилнинг концептуал вербал ва семантик структураси” боби илмий далиллар асосида бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (шу жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми – 221 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазибалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Лисоний онг дунёни моделлаштириш воситаси”** деб номланиб, мазкур бобда лисоний онг ва унинг дунёни моделлаштиришдаги психолингвистик имкониятлари, дунёнинг бадиий тасвирига муносабати, шунингдек, концепт ва унинг турлари оламнинг лисоний манзарасини ўрганиш воситаси сифатида тадқиқ қилинади. Боб тўрт фаслдан иборат: **“Лисоний онг когнитив тадқиқот объекти сифатида”**, **“Лисоний онгнинг психолингвистик аспекти”**, **“Лисоний онг ва тил ташувчиси”**, **“Концепт когнитив тилшунослик объекти сифатида”**. Когнитив тилшуносликда лисоний онг нутқий фаолиятни ташкил қилиш тизими ҳамда тил бирликларини, уларнинг ўзаро боғланиш ва қўлланиш мезонлари, инсоннинг мазкур бирликларга муносабатини ҳамда тил ва унинг барча бирликлари ҳақидаги қарашларни шакллантиради. Лисоний онг барча бошқа турдаги тафаккурларнинг мавжуд бўлиши ва тараққиётига хизмат қилади. Қуйидаги таърифдан ҳам англашиладики, “...лисоний онг – когнитив онг билан чамбарчас боғлиқ, зеро, уларнинг ҳар иккаласи ҳам воқеликни билиш жараёнидир ва бу жараённинг маҳсули – билимдир. (Когнитив атамасининг мазмуни ҳам инглизча **«cognitive – билишга оид»** сўзи билан боғлиқ: «cognize – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ», «cognition – билиш»). Шунинг билан биргаликда, бу икки турдаги онг шахс фаолияти жараёнида шаклланишини унутмаслик лозим. Лекин ҳар қандай шахс маълум этник гуруҳ, миллат ва маданият вакили. Аммо тадқиқотлар жараёнида биз аввал алоҳида шахслар онгида кечаётган лисоний ва когнитив жараёнларни кузатсак ҳам, пировард

натижада, уларнинг умуммиллий хусусиятларини тавсифлашга ҳаракат қиламиз. Когнитив жараёнларни миллий маданият билан боғловчи энг асосий восита тилдир. Шу сабабли когнитив тилшунослик учун лисоний ва когнитив онг жараёнларини миллий маданиятда яратиладиган, ҳосил бўладиган фаолият шарт-шароитлари билан боғлаб ўрганиш муҳимдир. Дарҳақиқат, тил ва онг маданиятдан холи ҳолда мавжуд бўлмайди, улар бизнинг ижтимоий тажрибамиз, аждодларимиздан ўзлаштирган анъналаримиз натижасидир”¹³.

Лисоний онг психолингвистиканинг турли тушунчаларига оид ишларда тадқиқ қилинади. Диссертацияда бир қатор, жумладан, А.Н.Леонтьев, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, И.Г.Овчинникова, В.В.Красных кабиларнинг қарашлари таҳлил этилган. Лисоний онгни белгилашнинг бир неча вариантлари мавжуд. Тилдан фойдаланувчи ҳар бир шахс бошқа одамларни ўз нутқида қизиқтиришга интилади, шунинг учун барча нотиклик усуллари учун характерли бўлган тағмаъно ёки яширин маъно ифодалаш, хусусан, метафора, эпитет, қиёслаш, метонимия, такрор, риторик сўроқ, сўзларни тушириб қолдириш ва бошқа воситаларга таянилади. Сўздаги яширин маънолар сўзловчининг атрофдаги дунё, нарса-ҳодисалар хусусиятларини билишига асосланади. Тил ташувчисининг шахсияти миллий ва маданий жиҳатдан ўзига хосдир. Сўзловчи бошқа одамлар билан мулоқотга киришганда, кўпроқ “оила”, “худо”, “эркинлик”, “ҳақиқат”, “тақдир”, “қалб”, “сиёсат”, “ватан” каби асосий тушунчаларга мурожаат қилади. Миллий ўзига хослик шундаки, у ёки бу сўзнинг маъноси бирор ҳолат билан боғлиқ ҳолда юзага келса-да, метафорик ёки метонимик кўчма маъно тамоман бошқа тушунча билан боғлиқ тарзда намоён бўлиши мумкин. Ҳар бир сўздаги концептуал маънони ўзгартирган ҳолдаги яширин мазмун сўзловчининг олам, одамлар, атрофдаги воқелик, дунёдаги сиёсий жараёнлар ва ҳоказоларни англашдаги дунёқарашидан пайдо бўлади. Л.И.Богданованинг таъкидлашича, “янги маъно шундай пайдо бўладики, бизнинг дунёни англашимизда аниқ онгимиз даражасида ниманидир тўлдириш, қандайдир бўшлиқни қоплаш зарурияти юзага келганда, олдиндан қутилган жавоб мавжуд маъно чегарасидан кенгроқ мавқеда бўлади, чунки ҳеч қандай детерминистик шакллантириш, математик моҳият, аниқ далиллар асос маъно доирасидаги тушунчани камайтирмайди”¹⁴.

Турли психолингвистик ахборотлар, бизнинг фикримизча ҳам, сўзловчи томонидан сўз, сўз бирикмаси, гап ва матнлар орқали баён қилинади.

Психолингвистика XX аср ўрталарида шаклланди. Олим ва тадқиқотчиларнинг инсон тафаккури, фикрлаши, таъсир қилиш ҳолат ва жараёнлари, мулоҳаза юритиш, англаш, билим каби масалаларга бўлган катта қизиқиш илмий парадигманинг ўзгаришига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида бир неча илмий йўналишлар, хусусан, тилшунослик, когнитив психология, психология, фалсафа ва бошқаларни бирлаштирган психолингвистиканинг

¹³Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. –Б.31.

¹⁴ Богданова Л. И. Стилистика русского языка и культура речи. – М.: ФЛИНТА Наука, 2016. – С. 10.

пайдо бўлиши замонавий илм-фанда “психологик инқилоб”ни юзага келтирди¹⁵.

В.Маслованинг таъкидлашига кўра, когнитив психология ҳам когнитив тилшунослик учун манба вазифасини бажарди. Дастлаб тилшуносликда “психологизм” ҳақида XIX асрдаёқ ёш грамматикачилар, А.А.Потебня, Г.Штейнталь, В.Вундтлар ёзган эди. Когнитив психология психоллингвистика ютуқларини ўзида мужассам этган бўлса-да, ўзининг мақсад ва вазифалари ҳамда бошқа фанлар билан интеграциясига кўра ундан анча фарқ қилади.

Когнитив лингвистика когнитив психологиядан концептуал ва когнитив колиплар тушунчасини қабул қилиб олган. Гап шундаки, тилнинг амал қилиши ҳақиқатан ҳам психологик омилларга асосланади, чунки тил инсоннинг ташқи олам билан алоқаси натижаси ўлароқ пайдо бўлган тажрибани тўплаш ва саклашда энг муҳим восита ҳисобланади. Ҳар қандай тажрибанинг асосини идрок ва хотира ташкил қилгани боис, билиш хоссалари ва тилни психология доирасида ўрганиладиган перцептив жараёнлар хусусиятларини ҳисобга олмасдан ўрганишнинг имкони йўқ.

Шунга қарамадан, тилшунос ва психологларнинг ўзаро ҳаракати жиддий тўсиқларга дуч келди: ўз методологияларига кўра фанларнинг “семиотик” турига кирадиган тилшунослик билан фанларнинг “физик” турига интилувчи психологиядек ўзаро кучли фарқланадиган икки гуманитар фанни топиш қийин.

Маълумки, тилшунослик ўз тараққиёти давомида психология билан уч марта: XIX асрнинг 80-йилларида, XX асрнинг ўрталарида ва ниҳоят, XX асрнинг 80-йилларида когнитив тилшуносликнинг пайдо бўлишида тўқнаш келди ва унинг ҳисобидан бойиди.

Тилшунослик ва психологиянинг ўзаро алоқаларида кузатилган кўшимча мураккаблик эса ментал категорияларга мурожаат қилувчи ҳар қандай тадқиқот психология доирасида, бу ерда бошқа фанлар билан алоқа талаб қилинмайди, деган фикр билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун когнитологлар орасида психология ёки психоллингвистика билан шуғулланган кишилар кам. Шу билан бирга, айрим психологик ғоялар, масалан, гештальт психология ғоялари, гарчи айнан тилшунослар, энг аввало, Ж.Лакофф томонидан киритилган бўлса-да, когнитив тилшуносликка кучли таъсир кўрсатган¹⁶.

Бу ўзгаришларнинг асосий ғояси қуйидагича: инсон тафаккури ички (ментал) когнитив жараёнларни бошқарган ҳолда, ўз навбатида турли хил намоишлар, сценарийлар, моделлар ва ҳоказоларга таянган ҳолда воқеликни ташкил қилади ва мулоҳаза юритади. Бунда ҳар бир одамнинг алоҳида олинган ҳар қандай ижроси тўлиқ англайди. Биз фақат лисоний баённинг асосий хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритишимиз мумкин, аммо ҳеч қачон биз уни тўлиқ англай олмаймиз.

¹⁵Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику: Учебное пособие. - М.: Флинта, Наука, 2004. – С. 8.

¹⁶Маслова В. Когнитив тилшунослик ўқув қўлланма. И.Мирзаев таржимаси. – Самарқанд. 2012. –Б.10-11.

Ўтган асрнинг 70 йилларининг иккинчи ярми психолингвистик йўналишнинг пайдо бўлиши даври ҳисобланади. Кейинчалик Ўзбекистонда ҳам илмий адабиётларида ушбу йўналиш маҳаллий тилшуносликдаги анъанавий тадқиқот манбалари билан узвий алоқадорликда шаклланиши кузатилади.

Россияда психолингвистиканинг ривожланиши натижасида мавжуд манбаларни жамлаш ва тизимлаштириш, тадқиқотларнинг терминологик базасини яратиш зарурати пайдо бўлди. Ўзбек тилшунослигида психолингвистикага доир тадқиқотлар бу соҳада муаммолар кўп бўлишига қарама-қарши қадам жуда кам.

Тилшуносликда тилнинг вазифаси ташқи дунё элементларини лисоний бирликлар орқали ифодалашда, деб ҳисоблайдиган қадимий анъана мавжуд. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳолатлар маълум тил бирлигига мос келадиган бир қатор қисмларга бўлиниши мумкин.

Психолингвистлар эса бундай тўғридан-тўғри таққослаш йўқлиги, аниқ вазиятни бошқача талқин қилиш мумкинлиги, вазиятни ифодалашнинг ҳар хил усуллари турли хил бирликлар орқали юзага чиқиши мумкинлиги, натижада сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги тушуниш турлича бўлиш эҳтимоли ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар. Масалан,

1. Анвар китобни Бобурга берган.
2. Анвар Бобурга берган китобни.

Анъанавий ёндашув бўйича бу жумлалар айнан бир хил мазмун ифодалайди, гапнинг синтактик тузилишидаги фарқ жумла мазмунининг ўзгаришида аҳамиятга эга эмас, деб қаралади.

Аммо айрим ҳолатларда бундай шаклларнинг фақат биттаси тўғри келиши мумкин. Бу икки ҳолатнинг фарқи шундаки, (1) ва (2) шаклдаги икки хил синтактик қурилишда “айнан бир ҳолат” турлича талқин қилинган бўлиб, айрим ҳолларда ифодалашнинг фақат бир усулигина ўринли ёки табиий дейиш мумкин. Энг муқобил вариантни танлаш шартларидан бири нутқни шакллантириш ва идрок этиш омиллари билан боғлиқдир. Қийосланаётган синтактик қурилмалар билан боғлиқ иккинчи омил эса вазият компонентларининг аҳамиятига асосланган, бошқача қилиб айтганда, дискурста айрим сўзлар бошқаларига нисбатан кўпроқ эътибор марказида бўлади: Анвар китобни Бобурга берган жумласида Бобур сўзи марказда. Анвар Бобурга берган китобни жумласида китобни сўзи марказда.

Олдинги планда қисман лисоний шакллантириш ва қисман идрок этиш масаласи туради. Масалан, ҳолат бирдан ортиқ ҳодисаларда ифодаланган, **дейлик**, ҳовлини супуриш пайтида деразага тош учиб келиб, уни чилпарчин килди. Бу ҳолатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Мен деразани синдирдим.
2. Тош деразани синдирди.

Бундай шаклларнинг танланиши икки ҳолат билан боғлиқ. 1- ҳолатда сўзловчига эътибор қаратилади, 2- шаклда эса асосий эътибор тошга қаратилиши билан бирга, ифодаланаётган вазиятда сўзловчининг иштирок этаётгани ҳам таъкидланади.

3. Сен бу эшикни бу калит билан оча олмайсан.

4. Калит бу эшикни оча олмайди.

Ушбу мисолларнинг ҳар иккаласида ҳам эшикни маълум бир калит билан очишга ҳаракат қилинадиган вазиятда фойдаланиш мумкин бўлса-да, аммо адресатнинг эътибори ҳаракатнинг бажарувчисига қаратилади. Мавжуд вазият ва ифода мақсади идрок этиш орқали лисоний шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Воқеликнинг ўзига хос талқини визуал идрок этилаётган вазиятдаги муайян унсурларни ифодалаш билан бирга, кўриш майдонимиздан ташқаридаги белгиларни ҳам ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, биз кўриб чиқаётган мавзу доирасида, кўп ҳолларда, субъект етакчи иштирокчидир.

Тилшуносликда кейинги ўттиз йил давомида фаол қўлланиб келаётган “тил ташувчиси” термини психолингвистиканинг марказий қисми сифатида “дунёнинг тилдаги ифодаси” термини билан чамбарчас боғлиқдир¹⁷.

Ҳар бир тил, В.Фон Гумбольдт таърифича, ўзига хос тузилишга, “миллий руҳнинг ўзига хослиги” туфайли юзага келган “ички шакл”га эга бўлиб, биринчи навбатда фразеологизмлар ва мақол-маталлар орқали халқнинг жамоавий онгини ифодалай оладиган воситадир.

Унинг фикрича, тил дунёнинг бевосита акси эмас. Ҳар бир тил муайян халқнинг жамоавий ўзлиги ва тафаккури боис, “бу фақат бошқа доирага кириш орқалигина чиқишингиз мумкин бўлган доирадир.”¹⁸

Ҳар бир тил одамдан муайян нарсалар, ҳодисалар, бошқа одамлар билан қандай муомала қилиш кераклигини талаб қилиши билан инсоннинг хулқ-атвори ва тафаккурига таъсир қилади.¹⁹ Тил ташувчиси, яъни миллий, маданий, тарихий, гендер, ижтимоий қатъиятга эга бўлган шахс, одамлар билан мулоқот қилишда у ёки бу тилдан фойдаланиб, дунёни миллий жиҳатдан ўзига хос талқин қилади. Тил дунёни миллий маданият нуқтаи назаридан талқин қилади. Гарчи “тил ташувчиси” атамасининг ўзи ушбу шахснинг ўз-ўзини англашида ҳар бир тил бирлигига сингган дунёни тушунишнинг баъзи бир фундаментал, энг муҳим хусусиятлари борасида алоҳида фикрлар тўғридан-тўғри акс этишини назарда тутса-да, аммо биз муайян минтақадаги дунёнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда одамнинг ўрни ҳақидаги ғоялар хусусида гапиришимиз мумкин.

“Тил ташувчиси” атамасининг ўзиёқ тилга антропоцентрик ёндашув туфайли юзага келган инсон омилининг тилдаги роли билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахснинг бутун когнитив фаолиятини, шунингдек, унинг атрофдаги табиий дунё, ижтимоий қадриятлар, бошқа инсонлар ва ўз-ўзига бўлган муносабатни акс эттиради. Тил аслидан фарқ қиладиган кўплаб одамларни яратади. Тил ташувчисининг онги хаёл билан белгиланади, шу билан бирга,

¹⁷ Гумбольдт В. Фон О различии строения человеческих языков и его влияния на развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 73.

¹⁸ Гумбольдт В.Фон О различии строения человеческих языков и его влияния на развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 86.

¹⁹ Гумбольдт В.Фон О различии строения человеческих языков и его влияния на развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 85.

нутқ ҳақиқий ва ҳаёлий олам, мумкин бўлган ҳамда тасаввурга сиғмайдиган ҳолатларни бирлаштиради. Тилшунослик дунёси ҳақидаги билимларнинг аксарият қисми тил туфайли шаклланади, аммо у агар дунёни ғайритабiiй нуқтаи назардан талқин қилган бўлса, давр ўтиши билан, дунёнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида турли халқлар орасида тушунмовчиликлар кучаяр эди. Лекин бу нарса кутилмаслиги керак, негаки, турли тил ва маданиятлар бўлишига қарамай, вақт ўтиши билан, маданиятлараро алоқалар туфайли дунё ҳақидаги билимларни мувофиқлаштиришда нафақат сўз бойлиги, балки фразеологизмларни ҳам ўзлаштиришга тўғри келади.²⁰

Тилдан фойдаланувчи шахс тафаккурида ҳар бир алоҳида ҳолатга одамларнинг жамоавий онгида шаклланган фикрлар билан ҳаёт ҳақидаги ўз фикрларини мавофиқлаштириш механизми мавжудлигини эътиборга олиш кифоя. Ҳар қандай тил минглаб метафораларга бой бўладива уларнинг аксарияти шу қадар танишки, тил ташувчилари энди уларни метафора сифатида қабул қилмайдилар. Метафора тилнинг экспрессив манбаларини кенгайтирувчи анъанавий усуллардан бири ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида метафоранинг когнитив жараён сифатида баҳоланиши анча анъанавий бўлиб қолди: “Сўз маъносининг кўчиши – матндаги муайян бир фреймли структурага эга бўлган ҳодиса, ўзига хос семантик-стилистик, когнитив ва миллий культурологик компонентларнинг тил юза сатҳидаги фаоллашувидир. Маъно кўчиши нутқни жонлантириш, бадиийлаштириш ва эмоционал-экспрессив жиҳатдан кучайтириш воситасидир. Маъно кўчиши ҳодисаси сўзларнинг янги маънолари юзага келишига асосланган лингвистик когнитив воситадир”.²¹

Лисоний онгнинг психолингвистик жиҳати маълум бир тил гуруҳи вакилларига хос бўлган турли ассоциатив соҳаларда ўзини намоён этади. Ассоциатив майдоннинг мавжудлиги ёки маълум бир тушунчаларда унинг йўқлиги муайян бир тилда сўзлашувчилар луғавий онги белгисидир. Лисоний онгнинг психолингвистик хусусиятлари тилнинг турли сатҳлариданамоён бўлиши мумкин. Тиллар нафақат грамматик категориялар ёки синтактик қурилиши билан, балки дунёни акс эттиришида ҳам фарқланади.


Ю.Н.Караулов “вербал-семантик тармоқ” атамаси билан дунё ҳақидаги билимларнинг умумийлигини билдиради: “Семантиканинг мавжудлиги квазисистематик вербал тармоқ бўлиб, унда ҳар бир сўз (маъно) бошқалари билан боғланади (тизим ҳолатида), аммо бу боғланишларҳеч қандай устунликни кўрсатмайди, ҳеч қандай мойиллик (квазив аспект) вачуқурлик, учинчи ўлчов йўқ, улар чизиқли ва текисдир...”.

Дунё манзарасини ўрганиш когнитив тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу доирада когнитив муаммоларнинг тилда акс этиши, дунё хусусидаги муайян ғояларни етказувчи, муайян тил жамоасининг тилда намоён бўладиган тажрибаларини акс эттирувчи тил ташувчиси ўрганилади.

²⁰ Виноградов В.В. Избранные труды: О языке художественной прозы. – М.: Наука, 1980. – С. 91.

²¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002 – Б. 4.

Тилшунослик ва лингводидактика соҳасидаги замонавий тадқиқотчиларнинг фикрларини сарҳисоб қилсак, биз тадқиқотимизда “тил ташувчиси” ва “нутқ эгаси” атамаларидан фойдаланамиз ва уларни қуйидагича фарқлаймиз:



Психолингвистикада “олам манзараси” тушунчаси қўлланилади. Концептлар тўплами дунёнинг муайян сўзловчи шахс ва муайян тил жамоасига хос бўлган луғавий ифодасидир. Дунё тилларидаги ифодаларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари лингвистик нисбийлик фаразига оид тадқиқотлар доирасида ўрганилмоқда.

Инсон туғилгандан бошлаб ўзи яшаётган муҳит ва шароит тақозосига, яшаш тарзига кўра оламни идрок қила бошлайди. Уни ўраб турган ҳодиса ва мавжудотларга ўзи яшаётган жамият қоидалари, анъаналарига мувофиқ муносабатда бўлади. Масалан, Ҳиндистонда туғилган бола сигирни муқаддас санайди, ўзбек боласи эса бундай тасавурда эмас. Айрим миллатларда бўрини улуғлашади, бошқаларида эса ундан кўрқишади.

Ижтимоий мавжудот сифатида инсон ҳар куни ўзаро нутқ алмашувида эҳтиёж сезар экан, коммуникатив ҳамкорлик ёки коммуникатив рақобат ҳолатида бўлиши мумкин. Инсон тил, нутқ, мулоқот жараёнидан холи бўлолмайди.

Шахс тушунчаси тилшунослик соҳасида энг мунозарали масалалардан биридир. Олимлар бу борада кўплаб назарияларни яратдилар, уларнинг ҳар бири тушунчанинг ўзига хос таърифини тақдим этади. Бироқ шахснинг табиати тўғрисидаги қарашларнинг хилма-хиллигига қарамай, тилшунослар тушунчанинг моҳияти **бу** шахсни жамият ёки маълум бир ҳамжамият аъзоси сифатида тавсифлайдиган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хусусиятлар тизимида айланадиган индивидуаллик ва ўзига хосликдир деган фикрни маъқуллайдилар.

Тилшунослар ва психологлар нутқ бир қатор интеллектуал, маданий кўникмаларни ўзлаштирган; инсоният томонидан яратилган урф-одатлар, анъана ва қадриятларни ўрганган шахснинг ижтимоийлашуви натижаси эканлиги борасида ҳам фикрдирлар. Лисоний қобилияти орқали одам доимий ривожланиб боради, фаолият ва мулоқотда ўз имкониятларини амалга оширишга эътибор қаратади.

Ушбу муаммони биринчи марта немис олими Лео Вайсгербер илгари сурди, у тил ташувчисини она тили феномени призмаси орқали тадқиқ қилди.

В.Фон Гумбольдт, Г.И.Богин, М.М.Бахтин асарларида тил ташувчиси ғояси илгари сурилган. Масалан, В.Фон Гумбольдт антиномияларидан бири тилдаги жамоавийлик билан индивидуалликни қарама-қарши қўяди²².

Рус тилшунослигидаги ушбу мавзуга доир дастлабки муваффақиятли изланишлар В.В.Виноградовнинг “Бадиий наср тили тўғрисида”ги китобида кўринади. У бадиий тилдаги тил ташувчисини талқин қилишда икки вариантни – муаллиф шахси ва персонаж шахсини ажратади²³.

Ушбу ибора билан ифодаланган ҳодисани назарий тушуниш XX асрнинг 80-йилларида, хусусан, одамларнинг индивидуал фарқлари ва тил ташувчиси параметрик моделини яратган Г.И.Богин асарларида юзага чиқди. Тадқиқотчи тил ташувчиси тушунчасини лингводидактиканинг марказий тушунчаси, деб ҳисоблаган ва уни “нутқни яратишга ва идрок этишга тайёр инсон” сифатида тушунган²⁴. Замонавий тилшунослиқда тил ташувчиси таҳлилига турли хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар ушбу тушунчанинг асосий таркибий қисмини белгилайди.

Кўпчилик олимлар таъкидлайдики, тил ташувчиси кўп ўлчовли тушунчадир, шу сабабли унинг муваффақиятли шаклланиши учун барча таркибий қисмларини ҳисобга олиш керак.

Е.Н.Барсуков тил ташувчисини: “воқеликни фаол ва ижодий англаш даражасида тил ва нутқ қобилияти борасида фикр берадиган кўп ўлчовли, кўп даражали функционал тизим”, деб баҳолайди²⁵. Тил ташувчиси кўп қиррали ҳодиса сифатида замонавий тилшунослиқда қуйидагича кўрилади:

– тизимли қурилма бўлиб, унинг таркибий қисмлари юқори даражали шахсий хусусиятлар (ҳиссиётлилик, коммуникативлик, менталитет ва бошқалар) ва бошқа ички руҳий жараёнлар (фикрлаш, хотира)дир;

– унинг шаклланишида лисоний онг ва нутқ муҳим роль ўйнайди;

– тил ташувчиси ижтимоий хусусиятга эга, у кичик гуруҳлардаги мулоқот жараёнида, тил ташувчиси инсон ва унинг ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини, атроф-муҳит билан муносабатларини акс эттирувчи лингвистик ва маданий алоқалар асосида шаклланади.

Демак, тил ташувчисининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар:

– қадриятлар (қадриятлар тизими);

– дунёқараш (дунёқарашлар тизими);

– культурологик (маданиятни ўзлаштириш даражаси);

– шахсий (индивидуал);

– когнитив (она тилининг лексикофразеологик имкониятлари, грамматик шакл ва конструкциялари, услубий хилма-хиллигини тушуниш);

²² Гумбольдт, В.Фон О различии строения человеческих языков и его влияния на развитие человечества // Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 65.

²³ Виноградов В.В. Избранные труды: О языке художественной прозы. – М.: Наука, 1980. – С. 98.

²⁴ Богин Г.И. Речевая личность и ее отношения к разновидностям текстов – М.: Истоки, 2005. – С. 1.

²⁵ Барсукова Е.В. Языковая личность как категория исторической культурологии. – М.: Знак, 2007. – С. 5.

– хулқ-атвор (тил одоби, одатий мулоқот шароитидаги хатти-харакатлар);

– нутқ маҳорати;

– нутқий ва интеллектуал қобилият;

– нутқий туйғулар.

Тил ташувчисида биз коммуникатив онг, коммуникатив билим, кўникма ва қобилият, нутқий қобилият, коммуникатив маданият ва диднинг қиёфаси умумлаштирилган, деб ҳисоблаймиз.

Инсон дарҳол шахсга айланмайди, у аста-секин ривожланади ва бу жараёнда кўплаб ташқи омиллар иштирок этади. Улар орасида етакчи ўринлардан бири тил ташувчисининг шаклланишига тегишлидир. Фаолият, меҳнат қилишга эҳтиёж билан бир қаторда мулоқотга, нутққа бўлган эҳтиёж ҳам шахсни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Тил инсоннинг онги ва онг остига чуқур кириб боради ва ташқи дунё, унинг амал қилиш қонуниятлари ҳақида жуда кўп маълумотни етказиб беради.

Тил ташувчиси типологияси тилшуносликнинг марказий муаммоларидан биридир. Масалан, анъанавий тилшуносликда мавҳум ва аниқ тил ташувчиси ўртасидаги зиддият ҳал этилган эмас. Тил ташувчисининг типологик табақаланиши, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, социолингвистика, лингвокультурология, психолингвистика ва этнолингвистикада ўрганилиши мумкин. Шунга кўра, шахсларнинг алоҳида турларини белгилаш, бу турларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мезонлари – психологик, ижтимоий, маданий ёки этник-маданий омилларнинг тилда намоён бўлишидир. У ёки бу тил шаклларида фойдаланар экан, ҳар бир инсон маълум бир тарзда ўзини ўзи намоён қилади.

Шахсга хос бўлган нутқ шакллари бир вақтнинг ўзида унинг ижтимоий мавқеи, маълумот даражаси, ёши ва жинси, индивидуал психологик хусусиятларининг кўрсаткичи ҳамдир. Шунга кўра, ижтимоий-маданий таснифнинг мақсади маълум бир ижтимоий доира вакилларининг нутқий тавсифларини яратишдир.

Диссертацияда тил ташувчиси ва у билан боғлиқ компетенция даражасини ҳисобга олган ҳолда, тил ташувчисининг қуйидаги турлари аниқланади: а) кучли тил ташувчиси – интроверт; кучли тил ташувчиси – амбиверт; кучли тил ташувчиси – экстраверт; б) ўртача тил ташувчиси – интроверт; ўртача тил ташувчиси – амбиверт; ўртача тил ташувчиси – экстраверт; в) кучсиз тил ташувчиси – интроверт; кучсиз тил ташувчиси – амбиверт; кучсиз тил ташувчиси – экстраверт. Умумийликда, бу хусусиятлар тил ташувчисининг хатти-харакатларини белгилайди.

Биз компетенция даражасининг ички ўлчовлардан мустақиллигини таъкидлаймиз, чунки экстраверсион ва интроверсион муносабатдаги шахслар ҳам ҚДнинг энг юқори ва энг паст кўрсаткичларини намоёиш этишлари мумкин. Эслатиб ўтамиз, ҚД учун ҳал қилувчи омил инсон темпераментини ўлчаш билан боғлиқ бўлмаган интеллектуал ривожланиш омили ҳисобланади. ҚД интеллектуал ривожланиш, маънавий-амалий фаолият тажрибасининг кўрсаткичидир.

Муайян психотип билан боғлиқлик ҳам генетик, ҳам ижтимоий жиҳатдан аниқланади. Шу билан бирга, сўзловчи шахсининг бу икки жиҳати бир-бирига боғлиқ эмас. Бироқ улар бирон бир тарзда тил ташувчисида, шахсининг хатти-ҳаракатларида кузатилиши ва унга таъсир қилиши мумкин.

Мулоқот воситаларига нисбатан танлаш даражасини экстраверт, амбиверт ва интровертларнинг вербал ва новербал мулоқотда ҳам кузатишимиз мумкин. Экстравертлар ўз фаолиятини очик намоён қилганлиги сабабли, улар новербал алоқа воситалари (имо-ишоралар, юз ифодалари ва бошқалар)га интровертларга нисбатан кўпроқ муурожаат қилишлари аниқ.

Ҳар бир психотипнинг намоён бўлишини қуйидаги даражада кузатишимиз мумкин:

– фонетик (нутқнинг суръати, оҳанги, сўзларнинг интонацион хусусиятлари ва бошқалар);

– лексик (экстравертлар нутқида миллий реалияларнинг салмоқдор эканлиги);

– синтактик (ундовли қурилмалардан фойдаланиш ва бошқалар).

Шунингдек, экстраверт ва интровертлар бир хил рағбатлантирувчи сўзларга нисбатан турлича ҳиссий-баҳолаш мезони билан қарашлари муайян тажрибаларда кузатилган. Экстравертларнинг жавоблари орасида кўпроқ ижобий муносабатлар қайд этилди. Интровертлар рағбатлантирувчи сўзларга нисбатан, кўпинча, салбий муносабат билдирдилар. Бу уларнинг салбий баҳо бериш ва бефарқликни ифодалашга мойиллигидан келиб чиқади²⁶. Шундай қилиб, ҳар бир инсоннинг мулоқотга эҳтиёжи бор, аммо экстраверт ёки интроверт деб аташ мумкин бўлган шахслар бу эҳтиёжни ҳар хил йўллар билан қондирадилар. Экстравертлар ўз нутқий фаолиятини мазмун ва ифоданинг ўзаро боғлиқлигини олдиндан белгилайдилар. Аммо интровертлар ички ҳиссиётни акс эттиришга мойил бўлганликлари сабабли, ўзларининг «мен»и ифодаланган сўзларга эътибор қаратадилар, бу эса бизга ички нутққа тегишли ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритиш ҳуқуқини беради. Шубҳасиз, экстравертлар интровертларга қараганда, яхшироқ оғзаки нутқ қобилиятига эга, аммо бу уларнинг КД юқори даражасига эга эканлигига ишора қилмайди, чунки бу нарса шахсининг ақлий ривожланиши орқали таъминланади.

Тил ташувчиси ижтимоий онг шакллари, хулқ-атвор қолиплари ва меъёрлари, моддий маданият объектларида шаклланган маданиятнинг бир қисмидир. Тил ташувчиси –бу индивидуал хусусиятни ўз ичига олган ижтимоий ҳодиса деган хулосага келишимиз мумкин. Бу индивидуаллик тил бирликларида шахсий лисоний маъноларни белгилаш орқали шаклланади.

Боб давомида **“концепт” ва “тушунча”** атамалари борасида жаҳон ва ўзбек тилшуносларининг айрим қарашлари таҳлил қилинган. Концептлар аниқ бир лисоний онгнинг дунё ҳақидаги тасаввурларининг бир қисмидир.

Концепт борасидаги тадқиқотлар қанчалик кўп бўлса-да ҳар бирининг ўз вазифаси мавжуд.

²⁶Хьелл Л. Теории личности. – СПб.: Питер, 2008. – С. 118.

Концепт – чексиз олам манзарасининг ташкил этувчи бирлиги. Олам манзарасининг идеалистик, материалистик, синтетик, илмий, фалсафий, рационал, космологик, биологик, маиший, маънавий, ахлоқий бадиий каби турлари бор.²⁷ Бизнингча, концепт тушунчадан ифодаланиш ва қабул қилиниши билан фарқланади. Тушунча аниқ ифода (сўз) билан боғланади, концепт эса қатор тушунчалар таркибида тус сифатида мавжуд бўлади ва тушунча ифодаси орқали юзага чиқади. Тил ташувчиси ўз она тилида тушунча ва концептни аниқ фарқлайди, чунки бу унга хос маданий хусусиятлар билан боғлиқ.

Дунёни билишга интилиш – когнитив фаолият ва бу фаолиятнинг асосий қуроли тилга эгалик инсонни бошқа жонзотлардан фарқлайди. Когнитив тилшуносликнинг асосий объекти концепт шу жараённинг меваси бўлиб, ўзида жараённинг барча табиий, ижтимоий, шахсий, рухий, маданий изларини сақлайди. Лисоний онг оламнинг ана шундай моделини шаклга солади.

Концептларни изоҳлаш маъноларни изоҳлашга нисбатан тил табиатини яққолроқ намоён қилади, шунинг учун концептлар луғати тузиш лозим. Боб сўнгида хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Оламнинг лисоний манзараси: назарий ва методологик асослар”** деб номланиб, ушбу бобнинг биринчи фасли **“Олам манзарасига оид асосий тушунчалар”** масаласига бағишланган. “Олам манзараси” атамаси турли фанларда кенг тарқалган бўлиб, унинг кўлами фақат тилшунослик билан чегараланмаган. Ушбу атама биринчи марта физика фанида қўлланила бошлаган эди: Г.Герц дунёнинг физик манзарасини “ташқи нарсаларнинг ички тасвирлари тўплами”, улардан мантиқий равишда бу нарсаларнинг ҳаракати тўғрисида маълумот олиш мумкин деб ҳисоблаган Г.Герцнинг фикрига кўра, ташқи нарсаларнинг тадқиқотчилар томонидан яратилган ички тасвирлари ёки рамзлари шу ғояларнинг зарурий мантиқий оқибатлари, ўз навбатида, намоёиш қилинадиган нарсаларнинг табиий зарурий оқибатлари тасвири бўлиши керак.”²⁸

Бизни қуршаб турган олам системавий табиатга эгадир. У қисмларининг ўзаро бир-бирини тақозо этувчи шартланган муносабатдан ташкил топган бутунликдир. Олам узвлари инсон онгида турлича акс этади. Оламнинг инсон онгида акс этиши унинг манзараси саналади. Шунга кўра, оламнинг диний, афсонавий, илмий, лисоний манзаралари тушунчалари майдонга келди. Оламнинг лисоний манзараси деганда, олам системасининг тил орқали ифодаланиши тушунилади. Тил онгда акс этган объектив оламнинг ифодаловчиси экан, демак, у ҳам системавийлик хусусиятига эгадир²⁹.

А.Нурмоновнинг фикрича, тил фалсафий жиҳатдан гносеологик ва онтологик табиатга эга, тилга гносеологик нуқтаи назардан ёндашилганда,

²⁷ Прохоров Ю.Е. В поисках концепта. – М., 2008. – С. 142-143

²⁸ Серебrenников Б.А. Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 12.

²⁹ Эргашева, М. В. Оламнинг лисоний манзараси ва семантик майдонларга бўлиниши // Молодой ученый. — 2016. — № 3. — С. 59-62.

биринчидан, инсоннинг тил орқали оламни билиши, тилнинг объектив борлиқ узвларини номлаш вазифаси, иккинчидан, тилнинг шу тил эгаларининг олам ҳақидаги билимлари тўплами экани ёритилади³⁰. Маълумки, оламни англаш ва унга фаол муносабатда бўлиш ижодий тафаккур маҳсули саналади. Буюк аллома Абу Наср Фаробийнинг таъкидлашича, “Бир нарсани билиш нутқий қувват билан, ё бўлмаса, хаёл суриш – тахайюл қуввати билан ёки туйғулар-ҳислар билан қўлга киритилади”³¹. Д.Лутфуллаева ассоциатив майдон тушунчасини изоҳлар экан, мазкур майдонга ўзаро семантик боғланган бирликлар билан бирга, семантик жиҳатдан боғланмаган, тил эгалари руҳияти, дунёқараши, кизиқишлари, олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқ ҳолда хотирасида тикланган бирликлар ҳам бирлашишини таъкидлайди³².

Бобнинг иккинчи фасли “**Макон ва замон категориялари, уларнинг таркибий қисмлари**” деб номланган. **Макон ва замон икки асосий гносеологик ва онтологик категориялардир.** Макон – замон, Кантга кўра, нисбий категориялардир ва бизнинг тушуниш даражамизга кўра белгиланади. “Одатда, макон деганда, чуқур маънода, дунёдаги турли ҳодиса ва нарсаларнинг мавжудлиги барқарорлигини англатади, замон эса уларнинг ўзаро таъсири ва ўзгарувчанлигини тавсифлайди.”³³ Макон деганда, “уч ўлчовли, геометрик, тенг равишда кенгайтириладиган шакл тушунилади, уни таққосланадиган сегментларга бўлиш мумкин. Замон соф давомийлик, ўтмишдаги воқеадан тортиб то келажакка қадар ортга қайтариб бўлмайдиган воқеа сифатида шаклланган.”³⁴ Қисқача айтганда, макон ва замон – бу оламдаги барча нарсаларнинг мавжудлиги ва ҳаётининг ўлчовидир. Маконда жойлашишни аниқлаш учун турли миллат вакиллари турли хил тил бирликларига мурожаат қилишади. Рус тилида сўзлашувчилар, одатда объектни кўрсатиш учун *слева/справа/между/возле* каби сўзларни ишлатса, америкаликлар дунё томонларини ифодаловчи *south/north/east/west* (*жанубий/шимолий/шарқий/ғарбий*) сўзларидан фойдаланишни афзал кўрадилар ва “целталь” қабиласининг тил ташувчилари эса *uphill/downhill* (*юқорига/пастга*) каби сўзлардан фойдаланадилар, бу эса Шимолий Америкаликлар тил тизимига кўра *шимолий/жанубий* сўзларига мос келади.³⁵

Ўзбек тилида сўзлашувчилар муайян объектни кўрсатиш учун *ўнда/чанда/олдинда/орқада* равишларни қўллайди. Бироқ XX аср бошларида ёзилган асарларда муайян объектни дунё томонларини англатувчи сўзлар

³⁰ Нурмонов А.Н. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.14.

³¹ Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.52.

³² Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: MERIYUS, 2017. – Б. 58.

³³ Ртищева О.В. Онтологические и гносеологические аспекты функционирования языковой картины мира: автореф. дис. канд. философ. наук: 09.00.01, Кемеровский гос. ун-т культ. и искусств. – Кемерово, 2006. – С. 12.

³⁴ Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. Средневековый «Хронотоп» [Электронный ресурс].

Режим доступа: <http://www.al24.ru/wp-content/uploads/2012/07/A. Ya. Gurevich Kategorii srednevekovoy kulturyi. 2-e izd. ispr. i dop. M. Iskustvo 1984..pdf> - Дата доступа: 20.12.2019.

³⁵ Levinson S. Language and cognition: the cognitive consequences of spatial description in Guugu Yimithirr // Journal of Linguistic Anthropology. – 1997. – №7(1). – P.98.

билан кўрсатади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида “...кўчанинг жануб тарафида...”³⁶ шаклида қўлланилади. Замон нуқтаи назаридан бу сўз эскирган, бугунги кунда кўчанинг “ўнг” ёки “чап” тарафида тарзида қўлланилади. Ўзбек тилида замон ва макон тушунчаларини энг фаол тарзда ифодалайдиган грамматик восита – бу келишик категориясидир. Масалан, ўрин-пайт келишиги ўз номига мос равишда нутқ вазиятига қараб макон ва замонни ифодалаб келади.

Макон маъносида: *китобда, дўконда, уйда, кўчада*

Замон маъносида: *борганда, келганда, тонгда, тунда*

Ўрин-пайт келишиги. ЎПК кўрсаткичи – [-да]. ЎПКК УГМсини «олдинги сўзни кейинги сўзга ҳол ва тўлдирувчи вазифасида боғлаш» тарзида хусусийлаштиради. ЎПК ва ЖК «йўналганлик» ва «ўринлашганлик» ёндош маъноси билан фарқланади.

ЎПК нинг БК билан ўрин алмашишига мисол: *Ситора 1998 йил (да) тугилди*. Бундай алмашиш кам учрайди. ЎПК қўлланишида сўзда макон, замон, объект, восита каби маънолар юзага чиқади: 1. *Мунира компьютерда ёзди* (восита). 2. *Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда* (пайт). (Х.Олим.) *Ҳаммаси муқаддас китобларда айтилган* (макон)³⁷. Ўзбек тилида ҳам миллатнинг замонга муносабати акс этган лисоний бирликлар мавжуд, хусусан, халқ мақоллари, ҳикматлар. Ўзбек халқ мақолларида вақтнинг ўткинчилиги, имконият эканлиги англашилади: “Умр – оқар дарё”, “Умр – оқар сув” каби. Энди инглиз ва руслар каби ўзбек халқи ҳам замонни кадрлаш ҳақида ҳам ўз қарашларини ифода қилиб келади: “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”, “Вақт олтиндан қиммат” ва рус тили орқали кейинчалик кириб келган “Вақт – бу пул” мақолларини қўллайди ва шунга амал қилади. Шунингдек, ўзбек тилида “**қовун пишиғи**” ибораси вақтни ифодалаб келади. Бунда кўпроқ вақт борлигига урғу берилади ёки ҳали эрта деган маъно ҳам англашилиши мумкин, бундай ўлчовлар кўп учрайди: жийда гуллаганда, терим вақтида, пода қайтар пайт... Ўзбек тилида вақтнинг зоналарга бўлиниши, халқнинг яшаш тарзи ва анъаналарига кўра фарқланади. *Эрталаб, чошгоҳ, туш, кеч, оқшом, тун, ярим тун* сўзлари узвий равишда белгилаган вақтларни кўрсатади. Эътиқод нуқтаи назаридан диний номланишлар ҳам мавжуд бўлиб, белгиланган тақвим бўйича амал қилинади: *бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон*. Ўзбек тилида вақтни ифодаловчи айрим бирликлар метафорик маънога ҳам эгалиги билан бошқа тиллардан ажралиб туради. Масалан, бадий матнларда муайян фаслнинг бирор ойига тегишли қисмни ифодалаш учун кўчма маънодан ҳам фойдаланилади. **Февралнинг этаклари** – феврал ойнинг охирлари маъносини англатади.

³⁶ Абдулла Қодирий Ўткан кунлар. Роман. –Т.: Шарқ –нашрёт матбаа концерни 2014. 75-бет.

³⁷ Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006. –165-б.

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар доирасида ҳам “вақт”, “замон” семали бирликлар ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай фразеологизмларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1. “Вақт” ядро сема бўлган фразеологизмлар. 2. “Вақт” чегара сема бўлган фразеологизмлар. Биринчи гуруҳга “вақт” семаси энг муҳим сема саналиб, бошқа семик хусусиятлар иккиламчи характерга мансуб бўлган фразеологизмлар киритилади. Бундай фразеологизмлар қаторига *“ҳаш-паш” дегунча, элдан бурун, икки дунёда ҳам, кўзи тириклигида, кўз очиб- юмгунча, бошига қилич келса ҳам, боши ёстиққа етганда, етти ухлаб тушига кирмаган, иш битгунча, эшаги лойдан ўтгунча, тўйдан илгари ногора қоқмоқ* каби бирликларни киритиш мумкин.

Ўзбек тилида ҳам бирор кишининг ёшини тасвирлаш орқали вақтни ифодалаш мумкин. Рус ва инглиз тилларидан фарқли равишда отларга хос бўлган кўплик кўшимчаси орқали тахминий вақт ифодаланади: Бобом чамаси 30 ёшларда эканида отам туғилган ёки ота-онам 60 дан ошганда бир-бирига суяниб қолишди.

Бобнинг учинчи фасли **“Когнитив тилшуносликда макон ва замон ходисаси”** деб номланади. Маконни тавсифлашда иккала тил гуруҳлари ўз жавобларида замон категориясига мурожаат қилишлари (*тўрт соатлик машина сафари, беш дақиқалик пиёда юриш*) *в пяти минутах ходьбы*. Ушбу икки категориянинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фикрини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, бирини тушунтириш учун иккинчисига мурожаат қиламиз. Бизнинг фикримизча, рус тилида сўзлашувчилар объектлар орасидаги масофани кўрсатиш учун умумий маънодаги *недалеко, близко, рядом (узок эмас, яқинда, ёнгинамизда)* каби сўзларга мурожаат қилишлари қизиқ. Ўзбек тилида сўзловчи респондентлар ўз жавобларида бундай сўзлардан фойдаланмаганлар, бу эса уларнинг макон тавсифидаги тафсилотларини ойдинлаштиради. Ва ниҳоят, яшаш жойингиз яқинида нима жойлашган? деган саволга жавоб олар эканмиз, яқин ва узоқ равишлари икки хил тил гуруҳлари томонидан ҳам бир хилда қабул қилинмаслигини кузатдик. Дунёнинг кўпгина тилларида “ўнг” сўзи тўғри ва “чап” ўзи ёлғон, нотўғри сўзларининг синоними сифатида ишлатилади. Инглиз тилида right сўзи нафақат “ўнг томон”, балки “тартибли”, “тўғри” каби маъноларда ҳам қўлланилади: All right; You are right. Шунингдек, left сўзи “чап” маъносини билдирса ҳам, *You are left бирлигида “сохта, фирибгарона” маъноларида қўлланади, инглиз тилида сўзловчи халқларда бундай бирикманинг ўхшаш шакли йўқ.

Ўзбек тилида сўзлашувчи халқ тилида “ўнг” ва “чап” сўзлари инглиз тилидаги каби услубий маъноларни ифодаламайди, “ўнг” нутқ вазиятига қараб “қулай”, “чап” эса “ноқулай” маъноларини ифодалаши мумкин. Аммо кейинги даврда чап сўзининг нотўғри маъносини ифодалаши ҳам фаоллашган: чапга юрмоқ Макон ва замонни ифодалашда инглиз ва рус тилида сўзлашувчиларга нисбатан ўзбек тилида сўзлашувчилар анча батафсил ва ўзига хос тарзда ёндашадилар. Муайян объектнинг макондаги жойлашувини кўрсатишда ёки белгиланган бирон-бир нуқтага борадиган

йўлни тасвирлашда ўзбек тили тил ташувчилари пойтахт ва вилоятлар аҳолиси бир-биридан фарқ қилувчи сўзларга мурожаат қиладилар. Маконда белгиланган нуқтагача бўлган масофани аниқлашда пойтахтда яшовчилар бекат ва кварталда, вилоятлардаги сўзлашувчилар эса транспорт воситалари харакатига кетадиган вақт орқали масофани тавсифлайдилар.

Ишнинг учинчи боби **“Тилнинг оламини моделлаштиришдаги мавқеи”** деб номланган. Унинг биринчи фасли **“Тилшуносликда оламини моделлаштириш. Оламини моделлаштириш асослари”** ҳақида. Замонавий тилшуносликда “олам тархи” термини ва бевосита шундан келиб чиққан “оламини моделлаштириш” атамаси қўлланила бошлаганига кўп бўлмади. Аслида, у аллақачон истеъмомда бўлган ва юқорида тавсифланган “олам манзараси” атамасига уйғундир. Шунинг учун ушбу атамаларни таққослаш, уларнинг ўзаро ўхшашликлари ва фарқларини тавсифлаш, шунингдек, “олам модели” атамасини турли хил вазифавий услуб матнларида қўлланилишининг қонунийлигини таҳлил қилиш талаб этилади. “Олам модели” атамаси замонавий адабиётшуносликда маълум бир ёзувчининг бадиий оламини тасвирлаш воситаси сифатида ҳам қабул қилинган.

“Олам модели” атамасини биринчилардан бўлиб В.Н.Топоров қўллайди ва унинг энг муҳим хусусияти – коллективликка ишора қилди. Бир кишининг лингвистик амалиётига татбиқ этилгандек, олам моделини тубдан ишлаб чиқиш мумкин эмас ва “у ёки бу белги билан бирлаштирилган одамлар гуруҳи ҳар доим олам моделининг ташувчиси бўлиб хизмат қилади”³⁸. Бу маълум бир семиотик модел, дунё ҳақидаги фикрларнинг инварианти, тил жамоасига ёки умумий маданият билан бирлашган ўзига хос жамоага хосдир. Ю.М.Лотман дунёнинг тил моделига нисбатан матн моделининг иккинчи даражали эканига эътибор қаратади: “Санъат – бу моделлаштиришнинг иккинчи даражали тизими. “Тилга нисбатан иккиламчи” деганда фақатгина “табиий тилни материал сифатида ишлатиш”ни тушунмаслик лозим. Агар атама бундай маънога эга бўлса, унда оғзаки бўлмаган санъат (расм, мусиқа ва бошқалар) киритилиши аниқ ноқонуний бўлар эди. Инсон онги тил онги экан, онг устига қурилган барча турдаги моделларни, **шу жумладан**, санъатни ҳам иккинчи даражали моделлаштириш тизимлари сифатида аниқлаш мумкин.”³⁹ Ўзбек адабиётида олам ва одамни ўзгача тасаввур қиладиган ёзувчилардан бири Эркин Аъзамнинг “Забаржад” асарини ўқиётганда тақдирнинг аччиқ қисматига дучор бўлган, зоҳиран шаддод, қувноқ кўринса-да, асли нозик жуссасига не-не дарду-ситамларни сиғдирган қиз бор сийрату симбати билан кўз олдимизга келади. Бизнингча, Эркин Аъзамнинг дунёни англаш, инсонларни тушуниш даражаси ўзига хос, ўзбек аёлининг ички дунёсини, унинг борлиққа нисбатан муносабатини шуничалик теран ифодаб бера олганки, тасвир жаҳон адабиётидаги образлар билан тенглаша олади, бундай асарларда оламнинг бадиий тасвири ҳаққоний кўринади.

³⁸ Топоров В.Н. Мифопоэтическая модель мира // Мифы народов мира: Энциклопедия. М., 1980. - Т. 2. - С.161-166.

³⁹ Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. СПб., 2000. С. 21.

Бобнинг иккинчи фасли “**Дунёқараш оламни моделлаштириш сифатида**” деб номланган. Матнда луғавий воситалар ёрдамида олам тузилиши, бутун дунё моделлаштирилади. Қадимги даврларда “Инсон ҳамма нарсанинг ўлчовидир” деган ибора мавжуд эди. Протагор иборасида нима яхши ва нима ёмонлигини одамнинг билимлари, кучи, эҳтиёжлари ва истаклари белгилашини айтади. Инсон дунёқарашини шаклланишидан олдин ҳали вояга етмаган бўлса, у фақат дунёни ҳис қилади – у атрофда бўлаётган нарсаларни кўради, лекин уни тўлиқ англай олмайди ёки бунга изоҳ беролмайди. Дунёни ҳис қилиш ёш болалар ёки вояга етмаган шахсларга хосдир.

Ғарб адабиётида аксарият асарлар, оламнинг бадиий тасвири ҳаёлот, фантазия асосида яратилади. Шарқда эса тасаввурга сиғмайдиган воқеликлар дostonларда, эртакларда мавжуд бўлиб, асосан, туш билан боғлиқ эпизодларга боғлаб берилади. Бундай тасвирлаш мумтоз асарларда ҳам замонавий матнларда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Тоғай Мурод «От кишнаган оқшом» қиссасида туш мотивидан фойдаланади. Эртак ва дostonларда туш жараёни шунчаки ўткинчи ва маънисиз ҳолат эмас, инсон руҳиятининг бир қисми, инсон ички дунёсининг тимсоли сифатида намоён бўлади. Туш инсонни ўтмиш ва келажакдан огоҳ этади, унут кечинмаларини қайта эсга солади. Руҳий аҳволнинг қай даражалигидан дарак беради. Инсон руҳий дунёси ғоят сирли жараён эканлигини кўрсатади. Инсон уйқу ҳолатида, яъни ақл мустабидлиги «юмшаган», унинг зўравонлиги камайган пайтда бу истак ва кечинмалар инсон шуурини эгаллаб олади, мияга ўзининг мавжудлигини кўрсатади. Уйқу пайти уйғоқ пайтида юзага чиқишига ақлий истаклар йўл бермаган кечинмаларга гувоҳ бўлиш мумкин. Асли туш инсон руҳий дунёсининг, тафаккурининг ажралмас, мураккаб ва муҳим қисмидир⁴⁰.

Маълум бўлиб турибдики, туш эпизоди орқали матнда Зиёдулланнинг олам ва ўзига маълум тушунчалар ҳақидаги тасаввурлари акс этган. Матнда мавжуд лисоний бирликлар қаҳрамон оламини лингвистик моделлаштириш асосидир. Тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштиришни турли нутқ услубларига доир матнлар асосида ўрганиш мумкин. Бобнинг учинчи фасли “**Оламни моделлаштиришда сўзнинг ўрни**”, деб аталади. Илмий услуб дунё моделининг маконини, законини ва бошқа координаталарини минималлаштиради, чунки кўп ҳолларда илмий ишлар нуқтаи назар муаммосига бағишланган бўлиб, унда одатда аниқ маънода терминологик луғат ишлатилади. Бироқ, атамалар уларга дунёнинг маълум бир моделини куриш ҳақида гапиришга имкон берадиган баъзи параметрларни ўз ичига олади. Диссертацияда бу қарашлар аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқилган. Бобнинг тўртинчи фасли “**Оламни моделлаштиришнинг асосий усул ва ёндашувлари**” деб номланади. Олам моделлари турли хил нутқ услубларида сезиларли даражада фарқланади, бу биринчи навбатда уларнинг мақсади ва вазифасига боғлиқ. Ўзбек бадиий

⁴⁰Маҳқамова Ф.Н. Тоғай Мурод асарларида фольклор анъаналари. – Андижон, 2010. 24-26-б.

маконида рус ва инглизлардан фарқли ўлароқ яратилажак асарлар миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, хусусан, халқ оғзаки ижодига таянади. Хорижий асарларда ҳатто мультфильмларгача замонавий технология имкониятларидан фойдаланиб хаёлий қаҳрамонлар орқали тасаввурга сиғмайдиган образлар ва воқеалар намоиш этилади. Бундай ҳолларда ўзбек адабиётида фольклор намуналаридан, туш эпизодларидан фаол фойдаланиб, ўзбек ўқувчисининг тафаккури, тасавури бойитилади. Жумладан, Ф.Маҳкамова⁴¹ ўз тадқиқотларида таҳлил асосида Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи салоҳияти нафақат унда кўтарилган ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг долзарблигида, балки роман поэтикасининг теранлигидан ташқари, қаҳрамонлар нутқи, асарнинг тилига ҳам боғлиқ, деб таъкидлайди. Бизнингча, Тоғай Мурод Дехқонкул рамзий қаҳрамони орқали муайян замон ва макондаги шахснинг борлиққа, жамиятга, инсонга муносабатини тасвирлаб берган. Алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллиф ўз асарида оламнинг бадиий тасвирини бошқа ижодкорлар қўлламаган услубий тасвирий лисоний воситалар орқали ёрқин тасвирлаб беради. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш борасидаги ўзига хос услубни Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида ҳам кўриш мумкин»⁴². Бизнингча, оламнинг лисоний манзараси ҳақида гап борганда даставвал, инсонларнинг ўтмишдаги тасаввурлари, уларнинг бутун борлиқ, коинот, мавжудот, инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги қарашлари, муносабатлари ёдга келади. Бу борада фольклор намуналаридан оламни бадиий тасвирлашда фойдаланиш ҳар қандай бадиий асарнинг мазмунини бойитади. Халқ оғзаки ижоди намуналари муайян халқ тасаввурларининг тарихий тараққиётини ўзида акс эттиради. Халқ орасида ҳамма ҳам аждодлардан қолган айтимларни яхши билавермайди, аммо Зиёдулла қалбидарё, ҳаётга ташна йигитлар халқ оғзаки ижоди билан яқин эди. Қаҳрамоннинг нутқи буни исботлайди: *«Адирларда қўй боқиб най чалдим. Нафасим етмай қолди. Дўмбирамни сайратдим, бепоён адирлар ёйилиб ўтлаётган қўйлар, чўққилар устида узмай чуғурлаётган қушлар, пага-пага синиқ булутларга қараб дoston айтдим. Бу дostonларни тўйлар, олис яйлов кечалари боболаримиз бири қўйиб бири айтар эди. Боболарнинг кўплари раҳматли бўлди. Раҳматликлардан дoston айтиб бўлмайди. Бизники, баҳоли қудрат...»*⁴³ Мазкур нутқ ҳам қаҳрамон тасавуридаги оламнинг лисоний манзарасидир.

“От кишнаган оқшом” қиссасида ўзбек халқининг инсонлардан ташқари жониворларга муносабати, улар ҳақидаги тасаввурлари ҳам акс этган. Ҳар бир халқнинг ўз қадрлайдиган ҳайвон ёки жониворлари бўлади. Ўзбек халқининг, хусусан, ўзбек йигитининг йўлдоши, доимий ҳамроҳи от бўлган. Шунинг учун ҳам от билан боғлиқ мақолларда ҳам эр-йигитлар ёнма-ён тасаввур қилинади. Масалан, От айланиб қозигини топади мақоли, албатта, эркак кишига қарата айтилади. Эр-йигитлар маълум муддат фикри чалғиб,

⁴¹Маҳкамова Ф.Н. Тоғай Мурод асарларида фольклор анъаналари. – Андижон, 2010. 24-26-б.

⁴²Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. Т., 1994, 34-бет.

⁴³Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. Т., 1994, 31-бет.

йўлдан адашган пайтларда ёки, қариндош уруғ, ота-бола, ака-ука урушиб қолганда уларга нисбатан шундай мақоллар ишлатилади. Демак, ўзбек тилида сўзлашувчи тафаккурида оламнинг лисоний манзараси бу борада шундай акс этади.

Ишнинг тўртинчи боби **“Олам манзараси шаклланишида инсон”** деб номланган ва икки фаслдан иборат: **“Ўзбек тилида сўзлашадиганларнинг олам манзараси тавсифи”**, **“Фалсафий олам манзараси шаклланишининг лисоний омиллари”**. Инсоннинг махлуқот сифатида асосий хусусияти – ақл. Ўзбек тилидаги тесқари контекст усулидан фойдаланиб, она тили маърузачиси фақат инсоннинг ўзига хос хусусиятлари – ҳиссий, иродавий ва танавий мавжудот сифатида қабул қиладиган қуйидаги лексик бирликлар аниқланди: ақл, идрок, ҳиссий интеллект, ақллилик, ақлий қобилият, кўникмалар. Дунёнинг ўзбек тилидаги олам манзарасидаги инсоннинг асосий фазилати сўзсиз интеллект сифатида тан олинади. “Интеллект” атамасининг ўзбек тилида ифодаланишини акс эттирувчи лексик бирликларни шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчидан, улар орасида айрим мавҳум отлар ажралиб туради: ўзбек тилида аксарияти феъл ёки сифатлардан ясалган сўзлар оддий сўз яшаш усуллари ёрдамида ҳосил қилинган: ақл-идрок, ақллилик, ўткирлик, фикрлаш, тушуниш, тушуниб етиш, англаш, ижодкорлик, қабул қилиш, ёрқинлик, тасаввур, самимийлик, узокни ўйлаш, донолик, идрок, зукколик, маълумот, билим, ақл-идрок, қобилият, яроқлилиқ, салоҳият, лаёқат, қулайлик, истеъдод, идрок қилиш, маърифат, билимдонлик, билиш қобилияти, маҳорат, ваколат, ихтисослик, оқиллик, квалификация, эҳтиёткорлик, донишмандлик, ҳушёрлик, ихтирочилиқ, олдини олиш. “Интеллект” тушунчаси билан боғлиқ луғат гуруҳида маъно миқдорининг семиотик қонунини ўзида мужассам этган ажралмас иборалар бўлган бирликларни ҳам ажратиш мумкин: интеллектуал қобилиятлар, когнитивлик, табиий ақл, удабуронлик, ақлли куч, руҳий куч, руҳий сифатлар, ўқимишли, бошини йўқотмаслик, совуққонлик, энг ақлли, билағон, ўзига ўзи ишонган балағон, тафаккури ёрқин, билимдон, эрудит, тезкор фикр юритиш, ақлий фаолият. Шунини таъкидлаш керакки, “интеллект” атамаси “жисмоний” интеллект ташувчисини англатувчи бош ва мия бирликларни ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки файласуфлар – “донишмандлар” бирон бир аниқ фаннинг мутахассиси бўлмаганлар: улар ҳар қандай масала бўйича гапириш ва ёзиш имкониятига эга эдилар, чунки турли илмлар синтезнинг бир тури эди. Файласуфни умуман оламнинг тузилиши қизиқтирган: масалан, дастлабки қадимги файласуфлар ҳамма нарсанинг – олов, ҳаво ёки сувнинг келиб чиқиши нимада деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилишган, материяни билишга, муҳим ижтимоий ва маданий саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишган. Бу борада дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган Беруний, ибн Сино, Хоразмий, Аҳмад Юғнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби файласуфлар, шунингдек, Имом ал Бухорий, Яссавий, Нақшбандий, Термизий каби диний-тасаввуфий таълимот намоёндалари олам ва одам ҳақидаги саволларга ўз тасаввурларини асарлари, фаолиятлари орқали

маълум қилган. Бу борада Мирзо Улуғбекнинг олам ҳақидаги илмий тасаввурлари эътиборга лойиқдир.

Фалсафий фикр кўпинча ўз ижодкори томонидан ўйланмаган жуда хунук шаклларда воқеликда ўз ифодасини топади. Хусусан, қурол ишлаб чиқарувчи Крупнинг “замбарак еми” ҳақидаги ғоялари Кант назариялари, Гитлернинг супермен ҳақидаги ғоялари – Ницше ғоялари ва бошқалар билан боғлиқдир. Файласуф ўз ғояларининг бундай амалга оширилишида айбдор эмас, чунки ҳар қандай ғояни нотўғри тушуниш, ўқиш мумкин ва ундан хулосалар файласуф ғояларининг натижаси эмас, балки ушбу ғояни ўзида мужассам этган кишининг ўзига хос хусусияти. Мишель Фуко⁴⁴ типик вазиятлар тўплами сифатида фан ҳақида гапиради. Бундай вазиятларда вазиятга қараб кўпайтириладиган сўзлашув деб номланган матнлар тўпамидан фойдаланилади. Тиббий нутқларнинг тўплами ҳақида, муайян вазиятларнинг тўпланиши натижасида пайдо бўладиган ижтимоий нутқларнинг тўплами ҳақида гапиришимиз мумкин.

Дунё ҳиссий тажриба ва уни объективлаштириш асосида тан олинади: эмпиризм биз барча билимларни тажрибадан оламиз деб тахмин қилади, рационализм инсон онги ва унинг объективлигига суянади. Ушбу оқимларнинг камчиликлари шундаки, идрокни турли хил омиллар таъсирида бузилиши мумкин; бундан ташқари, индивидуал шахс баъзи ҳодисаларни англаш учун етарли тажриба ва билимга эга бўлмаслиги мумкин. Инсон табиатан антиномикдир: унда гуноҳкор ер ости ва юксак маънавий интилишлар ўртасидаги эримайдиган зиддият мавжуд. Бу иккита бошланиш, худди кўриқчи фариштаси ва васвасага солувчи жин каби жанг қилади. Шунинг учун Достоевскийнинг қаҳрамонлари табиатнинг кескин ўзгариши билан ажралиб туради.

Ўзбек адабиётида ҳам Эркин Аъзамовнинг деярли барча асари қаҳрамонлари ўзига хос табиатга эгаллиги билан ажралиб туради. Паризод, Шамшод, Болта Мардон⁴⁵ кабилар. Ёки Юсуф хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” достони ҳам дунё ҳодисалари муҳокамасига бағишланган муҳим асардир. Ундаги рамзий – метафорик образлар ижодкорнинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўзида акс эттирган, Асарда Ўгдулмиш, Ўзгурмиш, Ойтўлди ва Кунтуғди⁴⁶ рамзий образлари орқали диалог асосида матн яратувчисининг оламни идрок этиш даражаси, тасаввурлари ифодаланган.

Яратувчининг мавзуси ва оламнинг ўзбек бадий тасвирини шеърӣ асарлар мисолида очиб бериш мумкин. Ғарб адабиётида оламнинг бадий тасвири шарқниқидан фарқ қилади. Матн яратувчиси қайси халққа, эътиқодга мансуб бўлса, пайдо бўлган асар ҳам шу макон ва замонга хос мазмун-моҳият касб этади. Бошқалардан фарқли ўлароқ шарқда ҳақиқатлар очик-ошқора, яланғоч эмас, рамзлар, метафоралар орқали ўзига хос одоб билан тасвирланади. Шунингек, ўзбек тилида сўзлашувчи халқнинг ижодкор вакили насрдан кўра кўпроқ назм – шеърӣят орқали ўзининг олам ва одам

⁴⁴ Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. - М.: Флинта,Наука, 1998. – С. 24.

⁴⁵Эркин АъзамЖаннат ўзи қайдадир –Тошкент.Шарқ, 2007. 56-б.

⁴⁶Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг.-Тошкнт: "Фан", 1972.-964 б.

хақидаги қарашларини ифода этади. Алишер Навоий ўз шеърини орқали дунё ходисалари ва тақдиру азал хақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифода этади:

Жонга чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?”

Дерки: “Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати”⁴⁷.

Матнда қўлланган лисоний воситалар Навоийга инсонларни мудом қийнайдиган, безовта қиладиган асрий саволларга жавоб бериш имконини беради. Ижодкор барча тана аъзоларини сўроққа тутиб, жон (руҳ)нинг нега жисм (тана)ни тарк этиш сабабини излайди. Бу ўринда айбни жисм бағирга, бағир кўнгилга, кўнгил кўзга кўз эса ёрга тўнкайди. Шунда ғазал мақтасида Навоий ҳамма ўз узрини айтганини таъкидлаб, ҳеч кимнинг айби йўқлигини, бу асли тақдир эканлигини таъкидлайди. Бир ғазалнинг ўзида ҳам олам ва одам, ҳаёт ва тақдир масалалари очиб берилган. Шоирнинг сўздан фойдаланиш маҳоратига келсак, кўзни “Эй тардомани юзи қаро” деб авайлабгина қийидади. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, кўз ўзи асли қаро бўлади, шунинг учун унга бу мурожаат айблов эмас.

Ўзбек адабиётида Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл”⁴⁸ достони бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ислом динидаги кишининг тасаввурлар, ҳаёт тарзи, оламни идрок қилиши яратган Зот билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, мусулмонларнинг олам тархи хақидаги тасаввурлари, келажак хақидаги, нариги дунё хақидаги қарашлари ўзига хосдир. Инсонлар ўз хатти-ҳаракатлари билан ё дўзах, ё жаннат ёки аросатда бўлишларига иймон келтирадилар.

Шоир ўз асарида охирагани бадий тасвирлашга ҳаракат қиладди. Асар бир йигит ва тарозибон ўртасидаги ўзаро савол-жавоб билан бошланади. Шунингдек, асарда шоир билан суҳбат жараёнида одам ва олам, дунёга келишдан мақсад, берилган имкониятларнинг қандай сарфларгани, ким вақтдан қандай фойдалангани, савоб ва гуноҳнинг нисбати хақида сўз боради. Мазкур драматик дoston орқали инсонларнинг дунё ҳақиқатлари, яшашдан мақсад, эришилган натижа ва инсоният учун нималар бирламчи экани англашилади.

⁴⁷Навоий Алишер. Хазойинул маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Х.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Т.: Фан, 1959-1960.

⁴⁸Oripov A. Tanlangan asarlar. 1-jild: She'rlar va dostonlar. — T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2000. 71-6.

ХУЛОСА

1. Лисоний онг когнитив тадқиқот объекти сифатида жаҳон тилшунослигида муайян даражада ўрганилган, аммо борлиқни билишга интилиш – когниция инсонни бошқа мавжудотлардан, миллатлардан фарқлаб туради. Билиш жараёни ва тил чамбарчас боғлиқ: тил билиш жараёнининг воситасидир, шу билан бирга билиш жараёни тилга ўз таъсирини ўтказди. Мазкур ходисалар ўзбек тилшунослигида етарли даражада илмий таҳлил этилмаган, ўзбек тили материаллари асосида лисоний онг олам манзараси, дунёни моделлаштириш воситаси сифатида чуқур тадқиқ этилиши лозим.

2. Лисоний онгнинг психолингвистик хусусиятлари ҳам ўзбек тили материаллари асосида ўрганилганда унинг дунё тилшунослигида бу борада эришилган хулосалар билан айнан бир хил эмаслиги маълум бўлди. Халқлар тил, эътиқод ва ижтимоий муҳит нуктаи назарида бир-биридан фарқлангани каби уларнинг руҳиятини ифодаловчи тил бирликлари ҳам когнитив-прагматик жиҳатдан ўзига хосликка эгадир.

3. Тадқиқотда лисоний онг ва тил ташувчиси тушунчаларини фарқловчи кўплаб маълумотлар келтирилган бўлса-да тилнинг ташувчиси атамаси бошқа манбаалардаги “тил эгаси”, “тил соҳиби” лингвистик термини билан маънодошлик ҳосил қилмоқда. Иккаласидан ҳам кўра биз мазкур тадқиқотда тилшунослиқда бугун фаол қўлланаётган “тилнинг ташувчиси” атамасини қўллашни маъқул кўрдик, зеро, муайян халқ ёки миллат вакили маданият, қадриятларни авлоддан авлодга ташувчи, етказувчи сифатида қаралар экан, шу ўринда у, бизнинг назаримизда, тилнинг ҳам ташувчисидир. Шу билан бирга, инсон инсон тил бошқарувчиси, ўзгартирувчиси, соҳиби эмас, тилнинг ташувчисидир.

4. Оламнинг лисоний манзараси ўз-ўзидан макон ва замон категориялари, уларнинг таркибий қисмларини ўрганишга боғланади. Тил ташувчиси ўзининг ижтимоий шароити ва замон талабларига қараб ўзлаштирилган олам манзарасини тасаввур қилади ва лисоний тасвирлайди. Бу борада халқлар ўртасидаги лисоний фарқланиш замонга қараганда кўпроқ маконга боғлиқ, назаримизда, чунки таҳлил учун олинган материал бир даврдан олинishi мумкин, аммо икки хил макон, ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлиши муқаррар, шунинг учун рус ва ўзбек, ўзбек ва инглиз тилида сўзлашувчиларнинг муайян предмет, ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи бирликларга муносабати турлича.

5. Дарҳақиқат, тил оламини моделлаштириш воситаси. Дунёқараш, миллий менталитет оламини моделлаштиришнинг асосини ташкил қилади. Зеро, инсон борлиқни қандай тасаввур қилса, шундай муносабат билдиради. Жамиятда бир-бирига яқин дунёқараш бўлиши мумкин, аммо бири иккинчисини айнан такрорлайдигани топилмайди, буни бадий асар қаҳрамонлари нутқи, шахсиятини ифода қилувчи матнлардан ҳам бемалол англаш мумкин.

6. Оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилишда, идрок этишда, бизнингча, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Зеро, кишилик жамиятининг олам ҳақидаги тасаввурлари уларнинг бугунги кунга қадар етиб келган намуналарида акс этган.

7. Тўғри, олам модели таъкидлангани каби бинар қарама-қаршиликлардан фойдаланиш, ҳар бир элемент алоҳида-алоҳида белгилар тўпламига эгаллиги билан характерланади, у ўзини ўзи такомиллаштириш ва яратиш имкониятига ҳам эга.

8. Оламни моделлаштиришда сўзнинг ўрни алоҳида. Аслида тил ташувчилари сўзнинг луғавий маъносини билмаслиги ҳам мумкин, аммо унинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ мазмуни ҳақида тасаввурга эга бўлади. Демак, тасаввур, дунёқарашнинг шаклланишига ижтимоий муҳит – маконнинг таъсири катта.

9. Ўзбек тилида сўзлашадиганларнинг олам манзараси бадиий матнлар орқали ўрганилганда, тил ташувчиларининг нутқлари орқали уларнинг дунёқарашини, хулқи, борлиққа муносабати, эътиқоди намоён бўлди. Маълумки, бадиий асарларда қаҳрамонлар матн яратувчи томонидан типиклаштирилади. Бу ўзбек тилида сўзлашадиганларнинг тасаввурида оламнинг лисоний манзараси қандай эканлигини аниқлаш имкониятини кенгайтиради.

10. Бадиий образлар инглиз ёки рус тилларидаги оламнинг лисоний манзараларидан сезиларли фарқ қилади. Ўзбек тилида сўзлашадиганлар олам манзараси тил воситаларининг турлари, услуби, нутқ вазияти, турли ижтимоий омилларнинг – қадриятлар ва эътиқоднинг таъсири нуқтаи назаридан ажралиб туради.

11. Фалсафий олам манзараси шаклланишида ўзаро мулоқот ва оламни ўзлаштириш воситаси бўлган лингвистик бирликлар катта аҳамиятга эга. Лисоний бирликлар, жумладан фонетик, лексик, грамматик ҳодисалар ҳар қандай нутқнинг, фикр ва ғоянинг ифода шаклидир.

12. Оламнинг ўзбек тилидаги лисоний манзараси инглиз ва рус тили лингвистик тасвирлари билан бир хил эмас, зеро, борлиқ, яратилиш, ҳаётий мақсад, эътиқод, урф-одат ҳақидаги тасаввурлар бошқа тушунчаларга ҳам бевосита таъсир қилади. Шу маънода оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилувчи лисоний моделлар асосини ташкил қилувчи таянч бирликлар ҳам ўз-ўзидан фарқ қилади – бу тадқиқотда таҳлили келтирилган бадиий матнлар мисолида ҳам аниқланди. Оламнинг ўзбек тилидаги бадиий манзараси шу тилда мулоқот қилувчининг тасаввурларини шакллантиришга хизмат қилади, аксарият тил соҳиблари кўрганлари бўйича эмас, эътиқод нуқтаи назаридан эшитганларга ишонади ва шунга монанд тасаввур қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDED SCIENTIFIC DEGREES
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGANA STATE UNIVERSITY**

FERGANA STATE UNIVERSITY

AKBAROVA ZUKHRO AKMALJONOVNA

**COGNITIVE UNIQUENESS IN THE FORMATION OF A
LINGUISTIC WORLD PICTURE**

10.00.11 - Language theory. Applied and computer linguistics

**ABSTRACT
OF THE DOCTORAL THESIS (DSc) IN PHILOLOGICAL SCIENCES**

Fergana – 2021

The theme of the doctoral (DSc) thesis is registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2020.4.DSc/Fil250

The doctoral thesis has been conducted at Fergana State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) has been uploaded to the website of Scientific Council (www.fdu.uz) and an Information-educational portal «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Scientific consultant: **Shahobiddinova Shokhida Hoshimovna,**
Doctor of Philological Sciences, Professor

Official opponents: **Uluqov Nosirjon Muxammadaliyevich**
Doctor of Philological Sciences, Professor

Raupova Laylo Raximovna
Doctor of Philological Sciences, Professor

Madjidova Ra'no Urishevna
Doctor of Philological Sciences, associate professor

Lead authority: **Bukhara State University**

The (DSc) Doctoral Dissertation Defence will be held on « 6 » July of 2021 at 9⁰⁰ in the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 at Fergana State University (Address: 19, Murabbiylar Str., Fergana, 150100. Tel: (0-3) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

The dissertation is available in the Information Resource center of Fergana State University (registered under № 125). (Address: 19, Murabbiylar Str., Fergana, 150100. Tel: (0-3) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

The abstract of the dissertation is distributed « 22 » June in 2021 year.
(Mailing report № 31 dated « 22 » June in 2021 year).



A.A.Qosimov
Chairman of the Scientific Council awarding Scientific Degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

M.T.Zokirov
Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Candidate of Philological Sciences

A.Mamajonov
Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding Scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

INTRODUCTION (Abstract of (DSc) doctoral dissertation)

The actuality and significance of the dissertation work. In the world linguistics, in the process of perceiving, knowing and describing the world, man acquires existence on the basis of a linguocognitive approach to the relationship of language and thought, expresses his ideas about it through certain linguistic possibilities, ethno-cultural features of the linguistic picture problems have become one of the important issues. This is of great practical importance in determining the scope of research in areas such as psycholinguistics, gender linguistics, cognitive and pragmatic linguistics.

The linguocultural and psycholinguistic approach to the language in the world linguistics, in which the problems of the speaker's unique interpretation of the linguistic picture of the world (LWP) provide a fundamental theoretical basis for determining the cognitive specificity in the formation of LWP. After all, linguistic consciousness, concept and its types, worldview, its basic concepts and categories, phenomena of space and time, and in texts of different functional styles, modeling the world using language means, deforming the human concept in communication with known and unknown parts of the world aspects can be substantiated.

In recent years, the language system has been approached on the basis of anthropocentric paradigm principles, and the national nature of our language has been analyzed in detail in the research conducted within the framework of Uzbek language concepts and conceptospheres. After all, the linguistic consciousness, concept and its types, the world picture, its main notion and categories, phenomena of space and time, world modeling in different functional styles using the language means, deforming the notion of the person in establishing the links with known and unknown parts of the world can theoretically ground the problem.

Approaching to the language system within the principles of anthropocentric paradigm in the conditions of Independence the national features of the Uzbek language is thoroughly analyzed in the range of the research devoted to the concept and conceptospheres. In this regard, it is expedient to approach language as a system, to expand the scope of research in the cognitive-pragmatic, sociopragmatic, sociolinguistic, linguocultural, lingvopragmatic, psycholinguistic directions. "In today's era of globalization, it is natural that each independent state should give priority to ensuring its national interests, in this regard, first of all, it should be paid attention to the preservation and development of its culture, ancient values, mother tongue"⁴⁹. Therefore, on the basis of Uzbek language sources, it is important to analyze in interconnectedness the linguistic world picture, the artistic

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

image of the world in terms of linguistic consciousness and thinking, the concept and its structure, the view of language as a modeling factor, the categories of time and space in the world, the world picture in the mind of the Uzbek language speakers, self-awareness and world perception of a person as a creator.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016, PD-4797 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi"; PD - 4958 dated from February 16, 2017 "On the development of the further postgraduate education"; PD-5050, dated from October 21, 2019 "On measures of the radical increase of the status and prestige of the Uzbek language"; PD-6084 dated from October 20, 2020 "On the development of the Uzbek language and the language policy in our country"; PD-2909 dated from April 20, 2017 "On the further development of the Higher Education system"; decree 571 of the Soviet of Ministry dated from July 24, 2018 "On the measures of the development of Samarkand State University's activities"

The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.

This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic 1. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democratic state."

Review of foreign research on the topic of the dissertation⁵⁰. The process of formation of the linguistic world picture, scientific research aimed at studying the role of man in this process in the world linguistics have been conducted at Cambridge University, University of Oxford, Edinburgh University, London Metropolitan University (UK), Harvard University, New York University, Chicago University, American Academy of Arts and Sciences (USA), University of Toronto (Canada), Hankuk University of Foreign Studies (Korea), Maribora University (Slovenia), University of Humboldt (Germany), The French National Research Agency (France) Moscow State University named after MV Lomonosov (Russia), St. Petersburg University (Russia), Tatarstan Kazan Federal University (Russia), Kazakh National University (Kazakhstan), Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Academy of Science of the Republic of Uzbekistan, Literature and Folklore Scientific-Research Institute, Fergana State University, Andijan State University (Uzbekistan).

⁵⁰Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com.; americanenglish.state.gov; micros.uz; www.uv.es; www.zora.uzh.ch; cleee@snu.ac.kr; www.u-tokyo.ac.jp/en; www.ras.ru; adwww.ecu.edu.au; unice.fr/en; www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities; www.kaznu.kz; [Содержание понятия языковая картина мира в лингвистике - КОАПИЯ статьи - Каталог статей - КОАПИЯ](#). koariya.do.am. Мурожаат санаси: 30.04. 2020. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

The following scientific results have been achieved in the field of the dissertation: the peculiarities of the linguistic world picture are enlightened (Russia, USA); a cognitive approach to WLP study has identified the problem of human perception of the universe and his personality (Netherlands and the United States); the specificity of the concepts of a language speaker and linguistic person in the relationship between the world and man is revealed (Russia, Germany); the role of different language layers in the linguistic world picture, the role of language in modeling the world have been determined on the basis of national-cultural means (CIS).

In the world linguistics, a number of scientific researches are carried out to reveal the linguistic view of the world and linguistic consciousness, the uniqueness of the world history (model) of each nation, including the following priority areas: to determine the problem of human perception of the world and self, to reveal the specificity of the concepts of language speaker and linguistic personality in the relationship between the world and man, the role of different language units in the linguistic picture, the role of language in modeling the world.

The scope of study of the problem.

The research methods of modern linguistics aimed at the study of the human factor in language are reflected in the research in the field of cognitive linguistics, linguocultural studies, linguopragmatics, psycholinguistics, associative linguistics. In this regard, the studies of N. Khomsky, Ch. Osgud, J. Lakoff, I. Galperin, N. Karaulov, N. Jinkin, Yu. Stepanov, A. Leontev, A. Vezhbitskaya, E. Kubryakova, V. Demyankov, V. Maslova, V. Belyanin's researches in the foreign linguistics are noteworthy.

The principles of anthropocentric paradigm of the language system have been studied in Uzbek linguistics in the research of A. Nurmonov, N. Mahmudov, Sh. Safarov, E. Begmatov, A. Mamatov, M. Hakimov, S. Muminov, D. Khudayberganova, D. Lutfullaeva, Sh. Usmonova, S. Boymirzaeva, A. Rahimov, I. Azimova, N. Hoshimova⁵¹. The studies of N. Mahmudov, Sh. Safarov, A. Nurmonov, A. Abduazizov, A. Mamatov, A. Sobirov, J. Eltazarov, Sh. Shahobiddinova, D. Khudayberganova, M. Ergasheva, T. Sh. Makhmaraimova have a special place among the studies carried out in recent years on the concept

